ВАТАНПАРВАР

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИ

● 1994 йил, 31 май, сешанба № 69 (385) ● Сотувда эркин нархда.

Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

● Вторник, 31 мая 1994 г. № 69 (385) ● В розницу — цена свободная.

Газета издается с 24 июня 1992 г.

МИННАТДОРЧИЛИК МАКТУБИ

Ҳокимликлар, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, маҳаллалар фаоллари, уруш ва меҳнат фахрийлари ҳамда ота-оналарнинг қисм ва бўлинмаларга мунтазам борib, солдатлар хизмати ва ҳаётидан бохабар бўлиб туришлари ўз ижобий натижаларини бермоқда. Ҳарбий гарнизонлар шахсий таркибининг маданий дам олиш соатлари яна-да мазмунли ўтиб, ушбу делегациялар уюштираётган суҳбатлар солдатларнинг муқаддас бурчларига масъулият билан ёндашишларида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ана шундай тадбирларга акс садо сифатида редакциямизга турли гарнизонлардан йўлланаётган солдатлар мактублари ҳам фикримиз тасдиғидир. Чунончи, Андижон гарнизонидаги Н-қисмда хизмат қилаётган сержанту оддий аскарлар номидан битилган хатда она-Ватан посбонлари ўз миннатдорчиликларини шундай изҳор этганлар:

«Қисмимизда турли вилоятлардан чақирилган йигитлар хизмат қилмоқдалар. Турли ташкилот ва жамоа вакиллари делегацияларининг қисмимизга ташриф буюришлари биз — солдатлар учун бир олам қувонч бахш этмоқда. Айниқса, ота-оналарнинг сўзларини тинглашдан-да бахтли он бўлмаса керак.

Чунончи, Сирдарё ва Бухоро вилоятлари делегацияларининг қисмимизда ўтказган тадбирлари унутилмас таассуротларга бой бўлди. Совға-салом улашдилар, катта дастурхон ёзиб, дилхўш концертлар намойиш этдилар.

Қисмимизда хизмат қилаётган аксарият солдатлар Хоразм вилоятидан чақирилган бўлиб, «хоразмликлар ҳам келиб қолишар», деб юргандик. Яқинда орзуимиз амалга ошди. Хоразм вилоятининг Янгибозор районидан келган меҳмонлар дилларимизни хушнуд этдилар. Қалбларини байрамона кайфият қамраб олган солдатлар хоразмликларни илиқ олқишлар билан кутиб олдилар. Тантана то кечгача давом этган бўлса-да, назаримизда жуда қисқа бўлгандек эди. Концертлар, суҳбатлар, қисм билан танишув, солдатлар маҳоратларини намойиш этиш тадбирлари ниҳоятда завқли ва мароқли ўтди.

Биз — Хоразм вилоятидан ҳарбий хизматга чақирилган солдатлар номидан ушбу эзгулик сафарларининг барча ташаббускорларига, жумладан, Хоразм вилояти ҳамда Янгибозор райони ҳокимликларига, райондаги барча маҳалла фаолларига ўз самимий миннатдорчилигимизни билдирамиз. Ватан, халқимиз олдидаги муқаддас бурчимизни шараф билан бажариб, бизга кўрсатилаётган улкан ҳурмат-эътиборни ёруғ юз билан оқлаймиз деб.

Сержантлар — Н. Тожиев, Ш. Худойберганов, О. Матёқубов, Х. Машарипов, Ш. Искандаров, О. Абдуллаев; оддий аскарлар — М. Машарипов, Х. Қурбонов, Ш. Аллашов, К. Қурёзов, Б. Каримов, О. Раимбоев, Р. Холлиев, У. Сафоев, Ш. Ражабов, Ш. Турдиев, У. Авазов, С. Худоёров, Б. Раҳмонов, О. Раҳимов ва бошқалар».

● БОЕВАЯ УЧЕБА: ДЕНЬ ЗА ДНЕМ

В поднебесье ветры сильнее

ФОТОРЕПОРТАЖ

Резанув лопастями воздух, винтокрылая машина стремительно стала набирать высоту, неся в своем чреве бесстрашных ребят в бело-голубых тельняшках. Лица серьезны, взгляды сосредоточены на сигнальных лампочках, одна из которых вот-вот должна вспыхнуть зеленым огнем — сигнал готовности. А пока, как кадры кинохроники, мелькают в памяти десантников проведенные накануне занятия по наземной подготовке, в ходе которых отрабатывались вопросы отделения от вертолета, действия парашютиста в воздухе, правильность приземления. Немало было затрачено сил, но зато теперь крылатые пехотинцы уверены в себе, как говорят на все сто. Их не страшит предстоящая встреча с небесной стихией, тем более, что рядом такой опытный наставник, как лейтенант Владимир Николаевич Жевноренко. Именно ему — мастеру спорта, за плечами которого свыше трех тысяч прыжков с парашютом, а также огненный Афганистан, где он проявил бесстрашие и мужество, за что и награжден орденом «За службу Родине» и медалью «За боевые заслуги», командование доверило подготовку десантников. И это высокое доверие офицер оправдывает сполна. Ни один из тех, кто прошел школу офицера В. Жевноренко, не оказался в числе отказников. А все потому, что Владимир Николаевич стремится не только научить подчиненных в совершенстве владеть парашютной системой, умело действовать в воздухе, но и выработать у них силу воли, помочь преодолеть психологический барьер, именуемый страхом. Использует для этого офицер всевозможные тренажеры, помогающие приблизить действия воинов к реальным, а еще — очень часто рассказывает им о бесстрашных подвигах десантников в годы войны 1941—1945 годов, о героизме «голубых беретов» в Афганистане...

...А вот и долгожданная сирена. Широко распахнуты двери. Вовнутрь врываются холодные потоки воздуха. Лейтенант Жевноренко еще раз внимательно осматривает каждого, пытаясь заглянуть в глаза. И в каждом взгляде он видит решимость сделать шаг навстречу неизвестности. Шаг, который под силу только настоящему мужчине.

На плечо десантника ложится рука выпускающего и доносится едва слышимое, словно напутствие: «Пошел!». Считанные секунды, и прозрачную синеву неба, будто цветки ландышей, наполняют белоснежные купола парашютов, управляют которыми крепкие, умелые руки десантников.

Внизу распростерлись безбрежные просторы родной земли. Но воинам некогда наслаждаться ее красотой. Их мысли сосредоточены на одном: приземлиться как можно точнее и без промедления вступить в «бой», в котором предстоит действовать дерзко, смело, решительно, напористо, как и подобает десантникам, главная задача которых — надежная защита мирных рубежей своей Отчизны.

На снимке: **в небе — десантники (слева); выпускающий — лейтенант В. Жевноренко (справа); идет посадка (внизу).**

Капитан Я. КОРУКА.
Фото **В. ЛЕЩЕНКО.**

● ҚИСМ ВА БЎЛИНМАЛАРДАН ХАБАРЛАР

САКРАШ ҚУВОНЧИ

Ёш десантчи-солдатлар яқинда илк бор парашютда сакрашди. Бу — улар ҳаётидаги ҳалжон ва қувонча тўла ажиб бир воқеа эди. Чунки, сакраш олди қўрқинч ва қувонч, хавотирланиш ва ишонч уйғунлашиб кетади.

Аскарлар орасида сакрашдан қўрқадиган ва бош тортадиганлар бўлмади. Ҳаммаси ҳам бир оз ҳадиксирашган бўлишса-да, ўзларида сакраш ниятиёқининг баландлигини ҳис қилишар эди.

Мана, вертолёт самога кўтарилди. У кўзланган баландликка етгач, бирин-кетин эшикдан чиққан десантчиларнинг қораси кўринди. Бир, икки, уч дегунча, лоп этиб парашют очилди. Она-Ватан посбонлари ўзларининг мардлигини намоён қилдилар.

Кўп ўтмай, осмонни оқ гумбазлар тўлдирди. Пастга тушаётган аскарларнинг қувончи бир олам, улардаги чексиз севинч ва мағрурликни тушунса бўлади.

Ахир, аскарнинг сакрашга тайёргарлик кўриш мобайнида тиришқоқлик билан ўқиб ўргангани, турли хил об-ҳаво шароитида парашют тахлагани, баъзан командирлардан дакки эшитгани ўрнини ана шу қувонч дақиқалари қоплай олади.

Бу машғулотларда Нурилло Ҳасанов, Орифжон Муталов, Олег Кузнецов, Алижон Мамиров, Дмитрий Куш сингари аскарлар алоҳида ўрнак кўрсатдилар. Уларга сакраш сирларини ўргатишда лейтенант Ўктамжон Каримовнинг ва бошқа командирларнинг хизматлари катта бўлди.

Яқинда ушбу жамоа кўргазмали машғулотларда қатнашади. У ерда мураккаб жанговар ўқув машқларини бажариш керак. Биз уларга зафарлар тилаймиз.

Лейтенант М. МАТАЕВ.

ПРИЗЫВ-94

ПОДРАЗДЕЛЕНИЕ ОСОБОГО ВНИМАНИЯ

Когда корреспондент «Ватанпарвара» прибыл в расположение подразделения старшего лейтенанта А. Абдурахманова, его встретили радушно, но не без юмора отметили: «Вы сегодня уже пятая комиссия!» Чем же вызвано столь пристальное внимание к этому воинскому коллективу?

Ответ прост. Старшему лейтенанту А. Абдурахманову доверено принимать и обучать новобранцев, призванных в армию весной этого года. От того, как недавние призывники начнут службу, как сумеют адаптироваться в непривычных для них армейских условиях, во многом зависят их дальнейшие успехи в боевой учебе. К ним сегодня повышенное внимание командиров, офицеров по работе с личным составом, различных служб обеспечения.

Так как же обстоит дело в этом подразделении? Прежде всего старшие начальники отметили, что здесь серьезно отнеслись к вопросам приема новичков, учли все рекомендации вышестоящих штабов и, что немаловажно, собственный опыт, наработанный за последние годы.

Специальная аттестационная комиссия рассмотрела все предложенные кандидатуры и отобрала для работы с новобранцами самых подготовленных, известных своим методическим мастерством и образцово-высокой воинской дисциплиной офицеров, прапорщиков младших командиров. Назначенный, к примеру, командиром подразделения старший лейтенант Ахат Абдурахманов проявил себя умелым воспитателем. Заместитель по работе с личным составом старший лейтенант А. Кадыров уже имеет опыт работы с недавними призывниками.

Назначенный старшиной подразделения прапорщик А. Ефимов в короткий срок качественно подготовил к приему новичков казарменное помещение, предусмотрел все необходимое для их нормального быта и учебы.

Командование сборов прекрасно владеет государственным языком и имеет опыт общения с солдатами, призванными из самых различных районов Узбекистана. С администрацией сборов были проведены инструкторско-методические занятия.

Однако... При проверке офицером Управления по работе с личным составом полковником Л. Махмудовым здесь не смогли представить планы-конспекты инструкторско-методических занятий, проведенных командованием части с назначенными для работы с новичками должностными лицами. Мелочь? Пустая формальность? Но в такой ответственной, работе, как прием вчерашних призывников, не должно быть ни малейших огрехов. В тот же день все должностные лица части представили соответствующие конспекты и отчитались о проведенных занятиях.

Или другой, на первый взгляд, чисто бытовой момент. Не у всех новичков, прибывших в подразделение, оказались с собой мыльница, зубная щетка, другие туалетные принадлежности. Тут тоже нашли выход, закупили все необходимое.

Особое внимание — питанию новичков. Не секрет, что армейский паек отличается от того, что некоторые молодые люди привыкли есть дома. Командованием дано указание, чтобы по-новички кроме обильного пайка, дополнительно обеспечивались горячим чаем и хлебом. И все-таки после работы очередной комиссии, уже из службы тыла, пришлось строго наказывать работников солдатской столовой, не перестроивших свою работу с учетом особенностей питания прибывшего пополнения.

Некоторые новички сразу после прибытия почему-то тут же обратились... в медицинский пункт. Кроме обычных жалоб на потертости и царапины, были и ссылки на более серьезные болезни, приобретенные до призыва. Как отнестись к этим молодым людям, только что прошедшим серьезную проверку в медицинских комиссиях управлений по делам обороны? С пониманием и вниманием, считают здесь. Каждая жалоба новичка-солдата рассматривается сразу и без промедления. Молодые люди и их родители должны быть уверены: государство заботится о здоровье воинов самым серьезным образом.

Еще одна проблема — письма родителям. Сколько сегодня стоит отправка одного письма? Каждому ли оно по карману? Закупив в централизованном порядке конверты, командование подразделения вкладывает в каждое отправленное новичком первое письмо родителям свое к ним обращение.

Все это делается не ради галочки, а для солдата. Поэтому и по-боевому настроены новички, многие из которых уже изъявляют желание поступать в военные училища, выясняют возможности остаться на сверхсрочную службу. Отличные впечатления от первых дней пребывания на военной службе у Равшана Нурматова, призванного из Джизакской области, уроженца Бухарской области Отабека Ходжиева, самаркандца Ахрора Мавлянова. А это сейчас — самое главное. Ведь от настроя на дальнейшую службу во многом зависит их становление как классных специалистов, умелых солдат, надежных защитников независимого Узбекистана.

Майор В. КАЛОШИН.

ЧИТАЙТЕ В НОМЕРЕ:

1 МИННАТДОРЧИЛИК МАКТУБИ.

2 МОМЕНТ ИСТИНЫ.

3 МАРКАЗИЙ ОСИЁ ТАРИХИДАН ҲИКОЯЛАР.

4 ОТ СТАРШИНЫ ЗАВИСИТ МНОГОЕ.

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

АҲОЛИГА СОТИЛАДИГАН ЁҚИЛҒИ, ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ ЧАКАНА НАРХЛАРИНИ ҲАМДА ЙЎЛОВЧИ ТАШИШ ТРАНСПОРТИ ХИЗМАТЛАРИНИНГ ТАРИФЛАРИНИ ЎЗГАРТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Республикага келтирилаётган нефть ва бошқа ёқилғи ресурслари нархларининг ошиши муносабати билан, шунингдек, энергия ресурсларидан фойдаланишнинг самарадорлигини ошириш ҳамда халқ хўжалиги тармоқларининг барқарор ишлашини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. 1994 йилнинг 1 июнидан бошлаб ёқилғи — энергетика ресурсларининг чегараланган чакана нархлари ҳамда шаҳарда ва шаҳар атрофига қатнайдиган йўловчи ташиш транспорти хизматларининг тарифлари иловага мувофиқ белгилансин.

2. Аҳолининг айрим тоифаларига Республика ҳукумати илгари қабул қилган қарорларга мувофиқ берилган амалдаги имтиёзлар сақлаб қолинсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари бир ҳафта муддатда мазкур қарорга иловага мувофиқ янги чакана нархлар ва тарифлар прейскурантларини тасдиқласинлар ҳамда барча манфаатдор вазирликлар, идоралар, корхоналар ва ташкилотларга етказсинлар.

4. Мулкчиликнинг барча шаклларидаги корхоналар ва ташкилотлар кўмир ва автомобиль бензинининг қолдиқларини 1994 йил 1 июнидаги ҳолатга кўра қайта баҳолаб чиқсинлар, қайта баҳолашдан тушган суммани ўзларининг айланма маблағларини тўлдиришга йўналтирсинлар.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 27 январдаги 45-сон, 1994 йил 29 апрелдаги 226-сон қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош Вазири А. МУТАЛОВ.

Тошкент шаҳри,
1994 йил 30 май.

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИГА ИЛОВА

ЁҚИЛҒИ, ЭНЕРГИЯ, ШАҲАРДА ВА ШАҲАР АТРОФИГА ҚАТНАЙДИГАН ЙЎЛОВЧИЛАРНИ ТАШУВЧИ ТРАНСПОРТ ХИЗМАТИГА БЕЛГИЛАНАДИГАН ЧАКАНА НАРХ ВА ТАРИФЛАРНИНГ

Чегараланган миқдорлари

	Ўлчов бирлиги	чакана нархи (тариф) бир бирлик учун сўм-купонларда
Табиий газ	1000м³	3500
Электр энергияси	квт. с.	30
Электр плиталар билан жиҳозланган уй-жойларда яшовчи аҳолига бериладиган электр энергияси	квт. с.	15
Автомобиль бензини (ўртача)	литр	1000
Кўмир (ўртача)	тонна	25000
Шаҳар транспортида йўловчилар ташиш:		
автобус, трамвай, троллейбус	бир марта юриш	100
метро	—»—	100
Шаҳар атрофига қатнайдиган транспортида йўловчилар ташиш:		
умумий типдаги	1 км йўл учун	100
юмшоқ ўринли	—»—	25

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

УН ВА БУЛКА НОННИНГ ЧАКАНА НАРХЛАРИНИ ЎЗГАРТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Донни сотиб олиш, уни ташиш ва қайта ишлаш харажатларининг ошиши муносабати билан Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. 1994 йилнинг 1 июнидан бошлаб 1 килограмм унинг чакана нархи ўртача 500 сўм-купон ва 1 килограмм бўлка нонинг чакана нархи ўртача 400 сўм-купон этиб белгилансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги унинг ва бўлка нонинг чиқарилаётган турларини ҳисобга олган ҳолда янги чакана нархлари прейскурантларини манфаатдор вазирликларга ва идораларга етказсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 28 февралдаги 100-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. МУТАЛОВ.

Тошкент шаҳри,
1994 йил 30 май.

● ИТОГИ ВЕСЕННЕЙ ПРОВЕРКИ: ИЗ БЛОКНОТА РЕПОРТЕРА

МОМЕНТ ИСТИНЫ

Гладящь иной раз, как стремительно поднимается подразделение по сигналу «Сбор», и душой чувствуешь: вот он — момент истины. Экзамен на готовность личного состава конкретного воинского коллектива переходить от мирного распорядка жизни к боевому. Искренне восхищаешься, когда расторопно, самоотверженно действуют воины.

Но случается и такое, что через час-второй то у одного, то у другого из числа столь здорово «стартовавших» солдат боевая приподнятость сменяется... посматриванием на часы. Скоро ли, дескать, прозвучит сигнал отбоя? Чем это объяснить? Так быстро многие устают, выдыхаются? Не в силах нынешние 18-летние долго переносить физические и психологические нагрузки?

— Рекомендую присмотреться к организаторской работе капитана Калыбека Джемурадова, — посоветовал при встрече в штабе части хорошо знакомый, опытный методист-воспитатель, заместитель командира по работе с личным составом подполковник В. Гроссман, когда я попросил его сообща найти ответы на заинтересовавшие редакцию вопросы. И, помолчав, добавил: — Кстати говоря, завтра его подразделение выезжает на полигон. Отчитываются зенитчики за свою огневую подготовку.

Разговор наш с Валерием Владимировичем проходил в кабинете, и о содержании его офицеры-зенитчики, прапорщики, сержанты и солдаты подразделения не имели, разумеется, ни малейшего представления. Выпала мне, таким образом, возможность посмотреть как бы на «типовой» выезд воинов-зенитчиков. Предстояло им, правда, выполнить контрольные стрельбы. Но это опять же было вполне типичным — близился к финишу зимний период обучения. А за сделанное тобой каждому из нас неминуемо приходится отчитываться. Кому это не ведомо?

И вот мы в пути.

Позади остались хлопоты подчиненных капитана К. Джемурадова по сигналу «Сбор». Километры городского асфальта. Основная часть маршрута в сторону полигона приходится здесь на бездорожье. Почти как в песне: степь да степь кругом. Земля сухая-пересухая. Над ней вовсю носился ветер, так и норовя зашвырнуть в кузова наших большегрузных машин побольше горько-соленой, хрустящей на зубах пыли. Из-за попадавшихся под колеса кочек, сидящих в кузовах солдат и сержантов подбрасывало чуть ли не выше крыши — макушки при таких подскоках прямо-таки упирались в брезентовый тент.

Всю эту путь-дорожную «примечательность» вспоминаю сейчас вот с какой стати. Наверняка нудными, обременительными предстали бы перед солдатами и сержантами бесконечно тягучие километры по степи, не позаботься капитан Джемурадов и его товарищи — старший лейтенант Хамид Тажибаев и лейтенант Мирзарахмон Бекмирзаев о создании и поддержании в ходе многокилометрового марша столь необходимого в подобных условиях мобилизующего душу фактора. Думается, накануне контрольного занятия офицеры подразделения не раз просмотрели соответствующие методические наставления.

Так, еще до начала выдвижения колонны на полигон солдаты и сержанты были введены в тактическую обстановку. Исходя из нее, батарейцы как бы следовали в голове главных сил прикрываемых мотострелков. В связи с этим, напомнили офицеры подчиненным, зенитные установки должны находиться в тесной огневой связи друг с другом. Водителям машин в ходе марша, стало быть, — не отставать!

Экипажам ЗСУ был указан маршрут и порядок выдвижения. Определены ответственные сектора для разведки и стрельбы, степени готовности к открытию огня, чтобы исключить внезапность нападения воздушного «противника», с какой бы стороны он не производил налет.

Здесь же была поставлена задача внештатному посту радиационного и химического наблюдения. Старший лейтенант Тажибаев и лейтенант Бекмирзаев проверили состояние индивидуальных средств защиты своих подчиненных, определили порядок их использования. Четко, лаконично ставились задачи. Точно в указанный срок начался марш. И могу засвидетельствовать, что на всем протяжении пути старательно выполнял, например, обязанности наблюдателя рядовой Данияр Останов. Потому что, кроме всего прочего, ему было интересно...

Не чувствовали себя в роли пассажиров, совершающих утомительный путь, и другие солдаты. Обменивались мнениями, как лучше вести огонь по вертолетам и танкам, сержанты С. Мирхайдаров и Д. Расулов. Выясняли командиры экипажей, как, скажем, точнее определить отклонение точки попадания снаряда. В общем, на всем пути офицеры и сержанты поддерживали у своих подчиненных боевой задор и активность. Некогда было солдатам, и не было у них такого желания — поглядывать на часы.

Не скупился капитан Джемурадов на вводные и когда зенитчики прибыли в указанный район. Сыпались они как из рога изобилия. То на позиции начинали грохотать имитационные разрывы, то у одного из орудий кончались боеприпасы, и огневикам соседнего экипажа надо было ползти с тяжелыми ящиками на выручку, то срочно требовалось отразить танковую атаку в сокращенном расчете.

— Мы должны уметь, — говорил капитан солдатам, — не только наводить орудие в цель. Надо уметь переносить и колоссальные физические и психологические нагрузки. Запомните: в реальном бою легко никогда не бывает. Замешкаешься на секунду — противник свой момент не упустит. Он тоже, будьте уверены, свое дело знает, умеет стрелять.

Офицеры этого воинского коллектива, по всему было видно, явные сторонники регулярных марш-бросков. Причем, подчеркнул в нашей беседе лейтенант Бекмирзаев, отдельные участки местности воины обязательно должны преодолевать в противогазах. Убежден капитан Джемурадов: на занятиях надо обязательно создавать волевое напряжение. Тренируются ли воины у орудия или водят машины, учатся ли отрывать окоп или отрабатывают приемы рукопашного боя, преодолевают полосу препятствий — надо, чтобы солдаты и сержанты учились действовать в трудных, порой критических ситуациях.

Потому что именно преодоление трудностей закаляет волю воинов. Учит их проявлять инициативу, в полной мере приобщает к суровой боевой действительности.

...Результаты такой методики, принятой в подразделении зенитчиков на вооружение, здорово сказались на контрольных стрельбах. Ведя огонь по целям, имитировавшим бронированные машины и вертолеты «противника», подчиненные капитана Джемурадова действовали и расторопно, и слаженно. Не помогли атаковавшим наш опорный пункт даже противозенитные маневры.

И это тоже был момент истины.

М. КАХАРОВ,
корр. «Ватанпарвара».

● ТЕРМИЗ ГАРНИЗОНИДАН ХАБАРЛАР

ЮКСАК МАҲОРАТ КУРСАТИБ

Баҳорги синов машғулотларида бизнинг бўлинма шахсий таркиби ҳам зўр уюшқоқлик билан қатнашди. Жанговар, ижтимоий-сиёсий ва бошқа тайёргарлик машғулотлари бўйича аъло ва яхши натижаларга эришдилар. Чуончи, Қулбоев, Аришонков, Усмонов каби офицерлар қўл остидаги сержанту оддий аскарлар ўзларининг юксак жанговар тайёргарлик маҳоратларини намоён эта билдилар.

Жумладан, ушбу бўлинмалар шахсий таркиби далаўқув машғулотларидаги тунги ва кундузги нишонга отиш, ҳарбий техникани бошқариш каби нормативларни шараф билан бажардилар. Баҳорги синов машғулотларининг умумий якунида карвонбошилик қилишни мақсад қилган сержанту оддий солдатлар янги марралар сари дадил интилмоқдалар.

МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ

Асрлар оша инсонлар қалбига эзгулик улашиб келаётган миллий урф-одат ва қадриятларимиз қисмимиз қаётидан муносиб ўрин олган. Офицер Ш. Жўраевнинг саъй-ҳаракатлари туфайли шахсий таркибнинг жанговар тайёргарлиги билан бир қаторда уларнинг маънавий камолотига ҳам катта эътибор қаратилмоқда.

Яқинда ташкил этилган солдатлар чойхонаси ҳам барчага ўлкан қувонч бахш этди. Бу ерда ҳар куни соат 12.00 да ош дамланади. Самоварларда чой қайнайди. Миллий куй-қўшиқлар дили ром этади. Сержанту оддий аскарлар бир пиёла чой устида хизматлари, уйдаги хушхабарлар ҳақида суҳбат қурадилар. Ҳазил-мутойиба қилиб кўнгил ёзадилар. Шанбаякшанба кунлари эса ҳар бир бўлинма ўз казармалари ёнидаги дош қозонларда қўлбола палов дамлайди.

Шахсий таркибнинг маданий дам олиш соатлари ҳам ниҳоятда қизиқарли ўтказилмоқда. Қисмга мунтазам келиб концерт дастурларини намойиш қилаётган вилоят ва район ижодий жамоалари шахсий таркибнинг энг яқин қадрдонларига айланган.

Шунингдек, спорт мусобақалари ҳам яхши анъаналаримиздан. Бунда миллий спорт ўйинларининг кенгроқ ўрин олаётганлиги шахсий таркибнинг яна-да катта қизиқиш билан қатнашувига сабаб бўлмоқда. Шуни таъкидлаб ўтмоқ зарурки, солдатларнинг маданий дам олиш соатларини мароқли ўтказиш тадбирларида барча офицер ва прапорщиклар ўз ҳиссаларини қўшиб, солдатлар билан бирга бўлмоқдалар. Бу эса офицер командирлар билан солдатлар ўртасидаги ҳурмат-эътиборни кучайтирмоқда. бир-бирларини тўғри тушуниб, хизматга яна-да астойдил ёндашишларида муҳим аҳамият касб этяпти.

Катта лейтенант
Т. МАМАТОШЕВ.

УНИВЕРМАГ ДЛЯ ВОЕННЫХ

В Термезе много новостроек. Среди них немало возводимых военными строителями. К примеру, в пятом микрорайоне завершают они строительство универмага военторга. Это уже почти готовое к сдаче в эксплуатацию двухэтажное здание, сооруженное из стекла и бетона.

Полезная площадь его — 600 квадратных метров. Строительство объекта несколько затянулось из-за общеизвестных причин: недоставало необходимых материалов, оборудования...

Но теперь трудности позади, и универмаг примет скоро первых покупателей. На обоих этажах завершены первичные отделочные работы. На первом этаже посетителей встретит большой просторный зал, стены и колонны которого отделаны рельефной декоративной лепкой. Все сделано руками солдат. Здесь же разместятся продуктовые ряды и кафе.

В таком же стиле выполнена отделка зала на втором этаже, где будут продаваться парфюмерия, ювелирные изделия, канцелярские и прочие товары повседневного спроса.

Добросовестно отнеслись воины и к отделке подсобных помещений, кабинетов. Для последних, например, использовали причудливый узор надува.

Неподалеку также трудятся военные строители, возводится жилой дом, где руководит работами лейтенант Алим Аманов. Коробка четырехэтажного здания практически готова. Взвод солдат под руководством лейтенанта Озода Исматуллаева ведет внутренние общестроительные работы.

Можно встретить военных строителей и на ряде других объектов. Например, на реконструкции банно-прачечного комбината. Молодые люди охотно служат в этих подразделениях, стараются овладеть мастерством строителя, ведь это теперь одна из престижных профессий в обретшем независимость Узбекистане.

А. КУТЕПОВА.

В СЛОЖНЫХ УСЛОВИЯХ

Нелегко пришлось воинам-разведчикам подразделения майора А. Синдяшкина во время контрольного занятия по огневой подготовке.

Выполнение норматива помимо вводных старшего начальника усложнял сильный и порывистый ветер. Это значительно затрудняло воинам вести поиск и уничтожение целей.

Но отличная практическая выучка и доскональное знание боевых и технических возможностей вверенного оружия позволили им без промаха поразить большинство мишеней, обозначавших наступающие группы пехоты противника и пулеметные расчеты. Хлесткие автоматные очереди наскозь прошивали цели, закамуфлированные под цвет окружающей горно-пустынной местности.

Меткий огонь, умение быстро ориентироваться и обнаруживать цели, а также твердая уверенность в себе и в своем оружии рядовых А. Малышева, И. Бекишева, А. Тимирова и сержанта Г. Халикова позволяют с уверенностью утверждать: в реальном бою у противоборствующей стороны не будет ни малейшего шанса на успех.

С честью и достоинством выполняют свой конституционный долг подчиненные офицера А. Синдяшкина, Зорко и надежно стоят они на страже созидательного труда народа Узбекистана.

И. БИРЮКОВ.

В ГОСТЯХ У ВОИНОВ

Давняя дружба связывает нас, ветеранов войны и труда областного центра, с воинским подразделением, которым командует офицер А. Акрамов. Недавно мы побывали в гостях в этом коллективе. Подарили воинам книги о войне для музея боевой славы, с большим интересом ознакомились с жизнью и бытом солдат и сержантов. Они рассказали нам о том, как обучаются воинским специальностям, как стремятся лучше выполнять стоящие перед ними учебно-боевые задачи.

А потом мы присутствовали на торжественной церемонии, ставшей радостным событием в жизни личного состава. Были зачитаны приказы о присвоении очередных воинских званий группе воинов, многим была объявлена благодарность. Несколько человек получили краткосрочный отпуск, посланы письма на родину солдат, отличившихся на службе.

Н. МАРТИРОСЯН,
ветеран войны и труда.

● МУЖЕСТВО. ДОБЛЕСТЬ.

ШЕЛ ПАТРУЛЬ ПО ГОРОДУ

Патрульный наряд в составе старшего сержанта Д. Хамшиева и рядовых А. Хаитова и Х. Мирзамахмудова двигался по указанному маршруту. Но вот на тротуаре появились двое молодых мужчин. Были они заметно навеселе и, увидев патрульных, резко повернули в другую сторону.

— Надо проверить! — решил старший сержант Хамшиев.

— Что вам нужно? — резко спросил один из задержанных. Вдруг он полез в карман куртки, что не ускользнуло от внимания рядового Хаитова. Отработанным движением он остановил руку неизвестного. И не без основания. В кармане был обнаружен взрывоопасный предмет. В этой ситуации промедление могло иметь далеко идущие последствия.

Нельзя не сказать несколько слов о бдительных воинах. Ахрор Хаитов призван из Багдадского района Ферганской области и скоро увольняется в запас, а Хуршид Мирзамахмудов — из города Андижана, прослужил более полугода. Такими сыновьями могут гордиться их отцы Юсуфжан Хаитов и Мирзокодон Мирзамахмудов.

Лейтенант
Ш. КАРИМБАЕВ.

● НОВОМУ ПОПОЛНЕНИЮ — ЗАБОТУ И ВНИМАНИЕ

СТАНОВЯТСЯ ЮНОШИ В СТРОЙ

Тепло и радушно встретили новое пополнение в танковом подразделении, где служит заместитель командира по работе с личным составом майор Валерий Яцыков.

Первыми прибыли посланцы Бухарской и Кашкадарьинской областей. К их приему в подразделении подготовились, как и полагается, заранее. Прежде всего командование позаботилось о том, чтобы разместить новичков в благоустроенном солдатском общежитии, тщательно и заблаговременно отремонтированном. Соответствующие службы сразу же обеспечили вновь прибывших, согласно установленным нормам довольствия, обмундированием и снаряжением, бельем, туалетными и постельными принадлежностями, другим имуществом. Одним словом, всем тем, что положено воинам-узбекистанцам на время службы.

Помимо жилых помещений, полностью готова и учебно-материальная база: классы, техника, тренажеры и многое другое. Накануне был в деталях отработан план воспитательной работы с новичками. В нем постарались учесть положительный опыт прошлого года.

Для работы с молодым пополнением на время прохождения ими учебных сборов назначены опытные, хорошо подготовленные офицеры, такие как капитан М. Атабаев, старшие лейтенанты Н. Якубов и Т. Юнусов.

Уже с первых же дней пребывания в подразделении с пополнением проводятся плановые занятия по физической и строевой подготовке, общевоинским уставам. Особое внимание в системе общественно - политической подготовки уделяется изучению Конституции Республики Узбекистан, законов «О всеобщей воинской обязанности и военной службе», «Об обороне», об уголовной ответственности за самовольное оставление части, хищение или порчу военного имущества. Приступили новички также к изучению основ огневой и тактической подготовки, знакомятся с боевой техникой и оружием, имеющимися в подразделении.

Капитан Н. ВАСИЛЬЕВ.

● СЕНИНГ УҒЛОНЛАРИНГ, УЗБЕКИСТОН!

ЗАФАРЛАР ТИЛАЙМИЗ

Ҳар бир ёш йигит воята етиб, ҳарбий хизматга отланар экан, ота-онасидан тортиб, қариндош-уруғларигача унга оқ фотиҳа бериб, кузатиб қоладилар. Бир қанча яхши тилаклари қатори албатта «командирларингни ҳурмат қил, улар маслаҳати ва кўрсатмаси ила иш кўр», деб қайта-қайта тақрорлайдилар.

Ҳозирги кунда йигитлик бурчини шараф билан бажариб, муваффақият қозониб келаётган З. Жумаев, Ф. Бобоев, Р. Шетинин, И. Ҳаитов, А. Жўраев, В. Эгамназаровларни яқинлари маслаҳатларига амал қилиб, бурчига садоқат ила ёндашиб, раҳмат топиб келаётган солдат ва сержантлардан десак асло хато қилмаймиз.

Биз командирнинг шахсий таркиб билан ишлаш бўйича ўринбосари, лейтенант А. Темиров билан суҳбатлашганимизда у номлари тилга олинган йигитларнинг Қасамёдларига қатъий риоя қилиб, ўз маҳоратларини амалда кўрсатиб келаётганликларини мамнуният билан тилга олди.

— Баҳорги синов машғулотларида, — деди у, — уларнинг тутган ўринлари юқори бўлди. Умуман олганда, бундай йигитларимиз кўплаб топилади. Мисол учун, бўлинма шарафига ҳисса қўшиб келаётган А. Раззоқов, В. Миниев, В. Жўраев ва бошқа кўплаб йигитларимиз шулар жумласидандир. Ҳоҳ сафда юриш, ҳоҳ нишонга отиш ёки ҳар хил масофаларга югуриш бўлсин, улар барчасини мардонавор уддаладилар. Шу туфайли биз — командирлар бераётган сабоқларимиз зое кетмаётганлигидан қувонмоқдамиз.

Шу ўринда Республикамиз сарҳадларини ҳимоя қилиш, малакали мутахассислар тайёрлаш ишида самарали тер тўкиб келаётган катта лейтенантлар — А. Маллаев, М. Исоқов, Д. Пўлатов ва С. Беризиҳинлар номларини ҳам айтиб ўтгим келади.

Мана, бўлинмамизга ёш солдатлар кела бошлади. Ишончим комилки, аҳиллик ва иноқлик, бир-бировдан ёрдамни аямаслик анъанага айланган жамоамизда бу йигитлар тез орада ўз касбининг устаси бўлган мутахассис бўлиб етишадилар, хизматда муваффақиятлар қозонадилар.

Ҳа, иноқлик, уюшқоқлик, меҳр-оқибат устивор жамоанинг янгидан-янги ютуқларга эришиши турган гап. Баҳорги синов машғулотларида юқори кўрсаткичларга эришган азаматларга бундан-да юксакроқ зафарлар тилаймиз.

Лейтенант
А. АБДУРАҲМОНОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.



Успешно завершили зимний период обучения подчиненные офицера А. Хана. По всем предметам боевой учебы воины добились высоких результатов.
На снимке: момент занятия по специальной подготовке.

Фото А. МАНТРОВА.

БОЕВОЙ СОСТАВ СУХОПУТНЫХ ВОЙСК НЕКОТОРЫХ ИНОСТРАННЫХ ГОСУДАРСТВ

БАНГЛАДЕШ (93 тыс. человек).

6 пехотных дивизий, 14 пехотных и бронетанковых бригад, 6 артиллерийских полков, 6 отдельных инженерных батальонов. Вооружение: около 90 танков, более 100 орудий полевой артиллерии, минометы, противотанковые средства (безоткатные орудия, 57- и 76-мм пушки), 37- и 57-мм зенитные орудия.

ИЗРАИЛЬ (134 тыс. человек).

12 бронетанковых дивизий (9 из них резервные), и аэромобильная (укомплектовывается резервистами по мобилизации), 10 пехотных, 4 механизированные и 4 артиллерийские бригады, дивизион ОТР «Ланс», 3 отдельных дивизиона 203-мм самоходных гаубиц М110. Вооружение: 12 ПУ ОТР «Ланс», ракеты «Иерихон-1 и -2», 3890 танков (в том числе 800 танков «Меркава» и 110 Т-62), около 400 БРМ, более 5000 БТР, около 1500 орудий полевой артиллерии, около 100 РСЗО, 5500 минометов, противотанковые средства (включая ПТУР ТОУ), более 900 орудий зенитной артиллерии, ПЗРК «Стингер» и «Ред Ай».

ИНДИЯ (1100 тыс. человек).

2 бронетанковые, механизированная, 22 пехотные, 10 горнопехотных дивизий, 14 отдельных пехотных, 3 артиллерийские, 6 зенитно-артиллерийских и 4 инженерные бригады. В составе армейской авиации 7 разведывательных, 6 боевых и 4 вспомогательные эскадрильи. Вооружение: 3800 танков (в том числе 1700 Т-72), 100БМТВ (ПТ-76), 800 БМП-1 и -2, 450 БТР, свыше 3100 орудий полевой артиллерии, 80 РСЗО БМ-21, около 1200 минометов, противотанковые средства (включая ПУ ПТУР «Милан»), более 2700 орудий зенитной артиллерии, более 1000 различных видов ПЗРК 120 вертолетов.

ИНДОНЕЗИЯ (215 тыс. человек).

2 пехотные дивизии, 3 пехотные и 3 воздушно-десантные бригады, 2 полка полевой артиллерии, зенитно-артиллерийский полк, 65 отдельных пехотных и 8 кавалерийских батальонов, 8 дивизионов полевой и 8 дивизионов зенитной артиллерии. Вооружение: 155 легких танков, 105 БРМ, более 600 БТР, 170 105-мм буксируемых гаубиц М101, около 900 минометов, 155 РСЗО, 90 ЗРК (в том числе 50 ПУ ЗРК «Рапира»), более 300 орудий зенитной артиллерии, противотанковые средства, около 40 вертолетов.

ИОРДАНИЯ (85 тыс. человек).

2 бронетанковые и 2 механизированные дивизии, 3 отдельные бригады (королевской гвардии, специального назначения, полевой артиллерии), отдельные подразделения боевого и тылового обеспечения. Вооружение: более 1100 танков (М-48, М-60А1 и АЗ, «Центурион», «Халед»), 19 БМТВ, 150 БРМ, 30 БМП-2, более 1100 БТР, свыше 450 орудий полевой артиллерии, 650 минометов, более 600 ПУ ПТУР (включая 50 самоходных ПТРК) 360 орудий зенитной артиллерии, ПЗРК типа «Ред Ай» и «Стрела».

По материалам иностранной военной печати подготовил капитан И. БИРЮКОВ.



Германская боевая гусеничная машина «ВИЗЕЛЬ» состоит на вооружении воздушно-десантных войск. Вооружение — 20-мм автоматическая пушка. В передней левой части бронированного корпуса размещены дизельный двигатель (мощность 86 л. с.) и трансмиссия. Максимальная скорость движения по шоссе — 85 км/ч, запас хода — 200 км. Боевая масса — 2,75 т, длина — 3,26 м, высота — 2 м, экипаж — два человека. Боезапас — 160 снарядов.

● ҮЛАРДАН ҮРНАК ОЛИШАДИ

ЁШ БЎЛСА-ДА—БОШ

— Бугун ёнилгини тежаб ишлатишда юмаларга асосий эътибор бериш керакли-ги ҳақида фикр юритамиз,— деб машғулотни бошлади автомобилчилар ротасининг командири, лейтенант Рустам Садибеков техник тайёргарлик хонасига йиғилган ҳайдовчилар ҳузурида. — Маълумки, ёнилғи-мойларни тежаб ишлатишга ҳар бир ҳайдовчи масъулдир. Бас шундай экан, автомобилни эксплуатация қилаётганда аввало, транспорт техник жиҳатдан соз бўлмоғи даркор. Ҳаёт тажрибалари шуни кўрсатадики, ҳатто автомобиль гилдираклари елнинг кам бўлиши ҳам ёнилгининг кўп ёқилишига сабаб бўлади.

Шунингдек, клапанларни нотўғри ёки етарли даражада соз бўлмаслиги, совитиш тармоқларига туздар йиғилиши, карбюраторнинг тўғри созланмаганлиги, свечалардан бирортасининг ишламаслиги, электр тақсимлагич ишлашида узилиш бўлиши ҳам маълум миқдорда ошиқча ёнилги сарфланишига олиб келади...

Ҳар ҳафтада ўтказиладиган машғулот мана шу тарзда бошланади. Лейтенант Р. Садибеков ҳар бир ҳайдовчига автомобилнинг бирор қисмини айтиб тушунтиришда, аввало унинг хусусиятларини пухта ўргатади.

...Ҳарбий бўлишга астойдил аҳд қилган йигит билим юртига тайёргарлик кўраркан, унинг кўлига хизматга чақириқ қоғозини топширишди. У ҳарбий комиссариат (ҳозирги мудофаа ишлари бўлими)га келиб, ҳарбий билим юртига ўқишга киришга имкон беришларини сўради. У ердагилар қисқа муддатли хизматни ўташ даврида ҳам билим юртига кириш мумкинлигини айтиб, унинг қайси билим юртига бориб ўқиш истагида эканлигини билишди. Ва ҳайдовчиликка ўқиб олиш кераклигини таъкидлашди.

Рустам ҳайдовчилик гувоҳномасини олгач, армияга отланди, йигитлик бурчини ўтаётиб, хизматнинг пастбаландликларини тушунди. Командирлари билан кўп маслаҳатлашди. Айниқса, жисмоний тайёргарликка катта эътибор берди. Ҳарбий билим юртига кириш имтиҳонлари яқинлашгач, ўз орзусини командирига айтди. Хизматда суяги қотган рота командири унинг гапларини тинглаб туриб: «Шундай ниятинг бўлса, нима ҳам дердим, майли ўқи, ўрган, офицерлар даврасига қанча кенгайса, шунча яхши. Сенга оқ йўл, омад ёр бўлсин», — деди.

Қарийб бир ярим йил хизмат қилган ва шу даврда мобайнида сержант унвонига сазовор бўлган Р. Садибеков шу тариқа Самарқанд автомобилчилар олий ҳарбий билим юртининг талабаси бўлди. Ўқиш даврида дастлаб рота старшинаси, сўнг взвод командирининг ўринбосари лавозимига тайинланди.

Лейтенант унвонини олган Садибеков ўзининг офицерлик хизматини 1992 йили Мустақил Республикамизнинг Қуролли Кучларида бошлади. Омад келса — қўш келар, деганларидек, уни рота командири лавозимига тайинлашди. «Масъулият катта, уддалай олармиканман», ўйлади у. Бироқ ҳеч иккиланмай, командирчасига ишга киришди. Ўзига топширилган ротани яхши ташкилотчи ва меҳрибон тарбиячи сифатида бошқарди. Тажрибали командирлар ёш офицерни ҳар томонлама кўллаб-қувватладилар.

Лейтенант Р. Садибеков ротасидаги техникининг доим шай ҳолатда бўлишига эришиб келмоқда. У итоатидаги прапорщиклар, сержант ва оддий аскарларга нисбатан доим бир хил самимий муносабатда бўлади, ўз билганларини шахсий таркибга қунт билан ўргатишдан чарчамайди.

— Бирор ишга киришган чоғингда қийинчилик юз берса, ноумидликка берилмай, шижоат ва матонат билан ҳаракат қилсанг, мушкулинг бартараф бўларкан, — дейди Р. Садибеков. — Мен учраши мумкин бўлган қийинчиликларни сабот билан енгиб ўтишга қатъий аҳд қилдим. Итоатимдагиларнинг тартиб-интизомга тўла амал қилишларига, барча техниканинг соз ишлашига, ҳайдовчиларнинг малакасини ошириш учун йўл ҳаракати қоидалари ва техник тайёргарликка катта эътибор бердим.

Интилганга толе ёр, деб бежиз айтмайдилар. Менинг меҳнатим ҳам зое кетмади. Ротамиз шахсий таркиби жанговар, ижтимоий-сиёсий ва бошқа тайёргарликларда муваффақиятларни кўлга киритиб, намунали жамоалар қаторига чиқиб олди. Бундай ютуқларга эришишда С. Сирожиддинов, М. Кордин, А. Қуйсунов, Б. Олонов, Ф. Нуриддинов, Ш. Жалилов, А. Узоқов сингари кўплаб прапорщик, сержант ва тажрибали оддий аскарлар катта ҳисса қўшмоқдалар.

Капитан А. ҲАЙДАРОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, «Ўзбексавдо» давлат уюшмаси ва Ўзбекбирлашувда

Четдан озиқ-овқат маҳсулотлари сотиб олиш ва уларни ташиб келтириш, республиканинг ўзидаги ресурсларни ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш харажатларининг тобора ошиб бораётгани, шунингдек, ички истеъмол бозорини ҳимоя қилиш ҳамда озиқ-овқат маҳсулотларини республика ташқарисига ғайриқонуний олиб чиқиб кетишга уринишларининг олдини олиш мақсадида «Ўзбексавдо» давлат уюшмаси ва Ўзбекбирлашув Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан биргаликда 1994 йил 1 июндан бошлаб асосий озиқ-овқат маҳсулотларига, шу жумладан белгиланган миқдорда сотиладиган маҳсулотларга, қуйидаги ўртача чакана нархларни белгилаш тўғрисида қарор қабул қилдилар.

	1 килограмм учун сўм-купон
Ун	500
Булка нон (оқ, қора, жавдар)	400

Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йилнинг июлидаги 360-сон қарорига мувофиқ асосий озиқ-овқат маҳсулотларига эркин нархлар белгилашга қарор қилинганди. Худди шу қарор билан «Ўзбексавдо» давлат уюшмаси ва Ўзбекбирлашув бошқарувига Республика Молия вазирлиги билан биргаликда, бозор конъюнктурасидан ҳамда сотиб олишга қилинган ҳақиқий харажатлардан келиб чиққан ҳолда, озиқ-овқат товарларининг белгиланган миқдорда сотиладиган турларига — ўсимлик мойи, қанд-шакар, чой ва гўштга ўзгарувчан нархлар белгилаш топширилган эди.

Шуни қайд этиш керакки, озиқ-овқат маҳсулотларининг кўп қисми «яқин» ва «узоқ» хориждан ташиб келтирилмоқда. Шу билан бирга озиқ-овқат маҳсулотларининг барча турлари жаҳон нархлари бўйича фақат эркин муомаладаги валютага сотиб олинмоқда. Масалан, 1 тонна буғдой жаҳон бозорида 130 доллар туради, бу расмий курс бўйича ҳисобланганда 500 минг сўм-купонга тўғри келади. Демак, 1 килограмм буғдойнинг нархи, транспорт харажатисиз, давлатга 500 сўм-купонга тушади. Шу сабабли ун ва нонинг янги чакана нархлари жорий этилганда ҳам давлат бюджетидан ҳар ойда 28 миллиард сўм-купондан зиёд дотация ажратиш зарур бўлади.

Шуни таъкидлаш зарурки, Ўзбекистонда асосий озиқ-овқат маҳсулотларининг янги нархлари, агар уларни Россия рубли курси бўйича ҳисоблаганда, масалан, Россия ёки Қирғизистондагидан пастдир:

	Ўзбекистон		Россия	Қирғизистон	
	сўм-купонларда	Россия рублида	Россия рублида	сомларда	Россия рублида
Нон, кг	400	191	532	1,88	283
Ун, кг	500	238	443	1,47	222

Республикамизга етказиб берилаётган нефть ва бошқа ёқилғи ресурслари нархларининг ошиши муносабати билан, шунингдек, энергия ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ҳамда халқ хўжалиги тармоқларининг барқарор ишлашини таъминлаш мақсадида 1994 йилнинг 1 июнидан бошлаб ёқилғи — энергетика ресурслари учун янги чакана нархлар, шаҳарда ва шаҳар атрофида йўловчи ташиш транспорт хизматлари учун янги тарифлар жорий қилинди:

	Ўлчов бирлиги	Чакана нарх (тариф), сўм-купонларда
Табиий газ	1000 м³	3500
Электр энергия	квт. соат	30
Электр плиталар билан жиҳозланган уй-жойларда яшовчи аҳолига бериладиган электр энергия	—»—	15
Автомобиль бензини ўртача	литр	1000
Кўмир, ўртача	тонна	25000
Шаҳар транспортида йўловчилар ташиш (автобус, метро, трамвай троллейбус)	бир марта юриш	100
Шаҳар атрофига қатнайдиган автобусларда йўловчилар ташиш: умумий турдаги	1 км йўл учун	17
юмшоқ ўриндиқли	—»—	25

Шу билан бирга, энергия ресурслари ва йўловчи ташиш транспорти хизматларининг юқорида кўрсатилган барча турлари учун давлат томонидан кўп миқдорда дотациялар ажратилади. Масалан, янги нарх ва тарифларни ҳисобга олган ҳолда шаҳар йўловчи ташиш транспорти учун ҳар ойда камида 1 миллиард сўм-купон, энергетикага — 0,7 миллиард, газчиларга — 8,6 миллиард, кўмирчиларга — 3,6 миллиард сўм-купон дотация керак бўлади. Ҳолбуки, Қозоғистонда аҳолига сотиладиган табиий газ республикамиздагига нисбатан (Россия рублига айлантирганда) 19,2 баравар, Қирғизистонда 23,7 баравар қимматдир.

Республика ҳукумати аҳоли учун ижтимоий кафолатларни сақлаш мақсадида иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва бошқа тўловлар миқдорини мунтазам равишда қайта кўриб чиқмоқда ва ошириб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг охирги фармонига биноан 1994 йил 1 июндан бошлаб иш ҳақи ва меҳнат пенсиясининг энг кам миқдори тегишли равишда 70 ва 75 минг сўм-купон қилиб белгиланди. Бюджетдаги ташкилотларда ойлик маошлар, пенсияларнинг барча турлари, олий ўқув юртлари талабаларининг, техникумлар ва ҳунар-техника билим юртлари ўқувчиларининг стипендиялари 1,5 баравар оширилди.

● МАРКАЗИЙ ОСИЁ ТАРИХИДАН ҲИКОЯЛАР

ЎЗБЕКЛАРНИНГ ҚАДИМ АЖДОДЛАРИ

(Давоми. Боши газетанинг ўтган сонларида).

«МИНГ БИР КЕЧА» ЗАМОНИДА

Соҳибқирон Абу Муслим хоинона ўлдирилганидан кейин араб босқинчиларига қарши ҳаракатлар кучайиб кетди. Уларнинг орасида 776 йилда кўтарилган «оқ кийганлар» қўзғолони муҳим аҳамият касб этади. Бу қўзғолонга Абу Муслим лашкарида сарҳанг (полковник) бўлиб хизмат қилган кишининг ўғли Ҳошим ибн Ҳаким раҳбарлик қилди. Унинг лақаби Ал Муқанна бўлиб, қўзғолон ҳам кўпинча унинг, номи билан аталган. Халифаликка қарши бошланган бу ҳаракат Тошкент, Фарғона, Самарқанд ва бошқа ҳудудларда кенг қулоч ёйди. Зарафшон водийси, Бухоро ва бутун Хуросонда қўзғолон катта муваффақият қозонди. Араб халифаси қўзғолонни бостириш учун тажрибали лашкарбошиларни юборди. Аммо улар партизанлик ҳаракати тарзида кенг ёйилган қўзғолонни тезда бостиришнинг иложини топмадилар.

Муаррихларнинг ёзишича, Муқанна қўзғолони 7 йил, айримларнинг маълумотича 14 йил давом этган. Араблар Муқанна ҳаракатини катта қийинчиликлар билан бостирганларидан кейин ҳам Моровроуннаҳрда қўзғолон ҳамон чўқиниб турди ва кўп ўтмай яна аланга олди. Бу галги қўзғолонга араб саркардаси Рафи ибн Лайс раҳбарлик қилди. 806 йилда бошланган қўзғолонда Зарафшон, Қашқадарё, Шош, Фарғона, Бухоро ва Хоразм аҳолисининг кенг қатламлари қатнашди. Моровроуннаҳрдаги қўзғолонни бостиришга шахсан халифа Хорун-ар Рашид бошчилигидаги катта қўшин жўнади. «Минг бир кеча» эртакларида тилга олинган бу машҳур халифа қўзғолонни бостиролмай, 809 йилда вафот этди. Унинг ўғли Маъмун Хуросон ва Моровроуннаҳрнинг ноиби сифатида кўпроқ сиёсий тадбирлар ишлатиб, муваффақиятга эришди. Маъмун солиқларни камайтирди, турли енгилликлар, имтиёзлар бериш йўли билан ўзига қарши турган кучларни парчалаб ташлади, нуфузли маҳаллий зодагонлар, уламолар ва саркардаларни ўз тарафига оғдириб олишга муваффақ бўлди. Шундай зодагонлардан акаука Нух, Аҳмад ва Яҳё Рофе ибн Лайсни қўлга олиб, уни халифага қайта тобе бўлишга кўндиришди. Натижада 4 йил давом этган қўзғолон тўхатилиб, араб халифалиги ҳукмронлиги сақланиб қолди. Маъмун миннатдорлик тариқасида Нухга Самарқанд, Аҳмадга Фарғона, Яҳёга Шош ва Ўратепа ноиблигини топширади. Сомонхудотнинг бу ўғиллари аста-секин мавқеларини мустаҳкамлаб, мустақил давлат тузишга киришдилар. Уларнинг болалари даврида эса машҳур Сомонийлар давлати ташкил топди. Маъмун ўз отаси Хорун-ар Рашид тахтини эгаллашда ана шу Сомонхудот авлодларига, Ўрта Осиё ва Хуросоннинг нуфузли доираларига суянди ва акаси Аминни (809 — 813) тахтдан агдариб ташлашга эришди.

Араб халифаси Ал-Маъмун (813—833 й.й.) даври илм-фан ва маданият тараққиёти билан боғлиқдир. Худди шу халифа замонида IX асрнинг Фанлар Академияси — «Байтул ҳикмат» («Донолик уйи») ташкил топиб катта обрў қозонади. Тарихда у «Маъмун академияси» номи остида ҳам машҳур бўлиб, унинг раҳбари ватандошимиз ал-Хоразмий бўлган.

МУҲАММАД ИБН МУСО АЛ-ХОРАЗМИЙ

Маъмун академияси — «Байтул ҳикмат» кутубхонасига узоқ йиллар давомида раҳбарлик қилган одам ҳиваликмиз Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий ал-Мажусий (783—850 йиллар) эди. У Бағдодга тўпланган бутун Шарқнинг етук олимлари даврасида ўзининг илмий-тадқиқот ишларини олиб борди. Хоразмий бутун дунёга машҳур бўлган математика, алгебра, астрономия (фалакиёт), ва тарихга оид асарларини ана шу «Байтул ҳикмат»да яратган эди. Унинг бизгача етиб келган асарлари турли ўлкаларда сақланади. Ал-Хоразмийнинг «Арифметикага оид рисола» асари араб нусхаси топилмаган бўлса ҳам унинг лотин тилидаги таржимаси, XII асрдаги таржима Испанияда сақланади. Ундан XIV асрда кўчирилган нусха Англияда, Кембриж университети кутубхонасида сақланади. Хоразмийнинг машҳур «Алгебрага оид рисола» асари ҳам Испанияда XII асрдаёқ лотин тилига таржима қилинган. Бу асарнинг 1342 йилда кўчирилган араб тилидаги қўлёзмаси Оксфорд университетининг Бодлеан кутубхонасида сақланади. Бизгача етиб келмаган астрономияга оид «Зиж» китобининг XII асрдаги лотинча таржимаси нусхалари Англиянинг Оксфорд, Испаниянинг Мадрид шаҳарлари ҳамда Францияда сақланади.

Буюк алломанинг географияга оид «Китоб сурати-арз», яъни «Ер тасвири китоби» номли асарининг арабчадаги ягона қўлёзмаси ҳам юртимизда эмас, балки Францияда Страсбург университети кутубхонасида сақланади. «Астролябия ёрдамида азимутни аниқлаш» номли рисола ҳам араб тилидаги ягона қўлёзма Туркиянинг Стамбул шаҳридаги Аё София фондида асраб келинмоқда. Хоразмийнинг «Мармар қуёш соатлари ҳақида китоб» қўлёзмаси ҳам худди шу Аё София фондида сақланади. «Астролябияни ишлатиш тўғрисида китоб» асари ҳам Ғарбий Берлин кутубхонасининг мулкидир. Унинг «Яҳудийлар даврлари ва уларнинг байрамларини аниқлаш ҳақида рисоласи»нинг араб тилидаги нусхаси Ҳиндистоннинг Патна шаҳридаги Худобахш номли кутубхонасида сақланади.

Муҳаммад Хоразмийнинг «Тарих китоби» бизгача тўлиқ етиб келмаган. «Донолик камолоти» асари тақдири ҳам номаълум. Буюк юртдошимизнинг Бағдодда яратган асарлари шуҳрати нақадар катталигини ана шу юқорида тилга олинган шаҳарлар ҳам яққол кўрсатиб турибди.

Хоразмий ўз даврининг етук олимлари билан ишлагани, «Байтул ҳикмат»да катта илмий кашфиётлар қилгани унинг номини жуда машҳур қилди. Шунинг учун ҳам IX асрнинг биринчи ярми мусулмон шарқи тарихида «Хоразмий даври» деб аталиши бежиз эмас.

Унинг арифметикага оид рисоласининг арабча асл нусхаси йўқолиб кетган, бизгача етиб келган лотинча таржималарида асар «Ал-Хоразмий айтадики» деган ибора билан бошланади, кейинча бу ибора барча ҳисоб жараёнларига нисбатан ҳам фойдаланилган. Шундай қилиб, ҳозирги замонавий ҳисоблаш математикасининг муҳим тушунчаси — алгоритм, алгоритм ва бошқалар пайдо бўлган.

Таниқли тадқиқотчи, профессор Музаффар Хайруллаевнинг ёзишича, «Ал-Хоразмийнинг алгебрага оид рисоласи кўплаб мутахассислар томонидан ўрганилган, ҳозирги замонавий алгебра фани тараққиётининг бошланиши ўша асар билан боғлиқ, деб ҳисобланади. Бу китобда ал-Хоразмий биринчи бўлиб алгебрани махсус фан соҳаси сифатида таърифлайди». Машҳур шарқшунос олим, академик В. В. Бартольд ёзишича, «Араб мусулмон шарқида Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий география ва картография соҳасидаги тадқиқотлар асосчиси ҳам бўлиб, унинг «Китоб ал-ара» («Ер тасвири китоби») Ўрта аср география фани ривожига асос солди».

Буюк юртдошимиз бебаҳо илмий-асарлардан ташқари ўзининг мактабини, муносиб издошларини ҳам тарбия қилди ва уларнинг гамхўр устози бўлди. Машҳур адабиётшунос олим ва адиб Азиз Қаюмов Хоразмий ва унинг шогирди Аҳмад Фарғоний ҳақида ажойиб китоб ёзган эди. «Маъмун жадвали» деб номланган бу асардан бир парчанқ эътиборингизга ҳавола қиламиз.

Ҳ. СОДИҚОВ, доцент.

(Давоми бор).

● ҒАЛАБАНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

«ҚЎКТЕРАК» ЛУҚМОНИ

Муртазохон акани «Кўктерак»да етти ёшдан етмиш ёшгача ҳамма танийди. «Кўктерак»нинг Луқмони ҳакими, деб уни астойдил иззат-ҳурмат қилишади. Чунки у киши 1937 йилдан шу пайтгача «Кўктерак»да яшаб, одамлар саломатлигининг посбони бўлиб келмоқда. Неча юзлаб беморлар унинг қўлидан шифо топишган.

Уруш йилларида бир қўлида қурол, бир қўлида жаррох тиғи билан жанг қилган Муртазохон ака қанча-қанча жангчилар ҳаётини сақлаб қолган. Урушдан кейин у яна севган касбида ишлаб, шогирдлар етиштирди. Фарзандларининг тўрт нафари ота касбини улуғлашаяпти. Муртазохон ака 1985 йилда пенсияга чиққанига қарамай, тиниб-тинчимайди. Уни тез-тез шогирдлари, ёшлар даврасида кўришингиз мумкин.

Отахон умр йўлдоши Маҳмудиҳон ая билан 25 дан ортиқ невара-чеварани тарбиялашда ўғил ва қизларига раҳнамолик қилишаяпти. Муртазохон Эшонхонов билан ҳол-аҳвол сўрашгач, улардан уруш йилларидаги хизматлари ҳақида сўзлаб беришни илтимос қилдим.

— Жанговар йўлим 1942 йилнинг январидан бошланган, — деди Муртазохон ака. — Ғарбий фронтнинг 86-ҳарбий дала госпитали, 1-Белоруссия фронтининг 68-алоҳида танк бригадаси фаолияти билан боғланган. Ҳарбий дала госпитали ординатори, тиббий-санитария взводи бошлиғи лавозимларида Калугадан Эльбагача бўлган жангларда қатнашганман.

Германиянинг қай бир шаҳри эди, ҳозир номини эслолмайман. Жанг майдонидан келтирилган 50 дан ортиқ ярадор жангчини қабул қила бошладик. Шулардан жароҳати оғирроқ 20 нафарига шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиб, сўнг уларни овқатлантириш учун 15—20 қадам наридаги чодирга бошлаб бордим. Чунки улар оч, жуда ҳолдан тойган эдилар. Орқамга қайтиб, қолган ярадорларга ёрдам кўрсата бошладим. Шу пайт ёнимизга бомба тушиб, қаттиқ портлаш бўлди. Ҳовлиқиб ташқарига чиқсам, хаммасиёқ ер билан яксон бўлибди. Фақат 5—6 ярадорни бомба зарби атрофга улоқтириб ташлаган-у, улар тупроққа ярим кўмилган ҳолда ҳушсиз ётишарди. Дарров уларни ҳушига келтириш чорасини кўрдим.

Польшанинг Люблин деган шаҳрида ҳам худди шундай фалокат юз берганди. Жанг майдонига яқин, қулайроқ жойда ярадорларга тиббий ёрдам кўрсата туриб, душманнинг ҳаводан қилган ҳужуми туфайли анча қурбонлар берганмиз. Бундай дамларда бардош бериб, ўзимизни дадил тутишга ҳаракат қиларди.

Бу лавҳалар яқинда тавалludининг 80 йиллиги нишонланган табаррук отахон, уруш ва меҳнат фахрийси, заҳматкаш шифокор, Қизил Юлдуз, Меҳнат Қизил Байроқ, Ватан уруши иккинчи даражали орденлари ва кўплаб медаллар соҳиби, соғлиқни сақлаш аълочиси Муртазохон Эшонхоновнинг жанговар йўли ва турмуш тарзидан бир шингил, холос. У босиб ўтган йўл ва кечирган умр ниҳоятда ибратли ва шарафлидир.

И. РАҲМОНОВ.

● ИҚТИСОДИЁТ ЯНГИЛИКЛАРИ

«ВЕТЕРАН» КОРХОНАЛАРИ КЎПАЙМОҚДА

Ўзбекистон Фахрийлар ташкилотлари уюшмаси кенгаши ҳузуридаги «Ветеран» корхоналари республика бирлашмасининг фаолияти тобора кенгаймоқда.

— Яқин вақт мобайнида юртимизнинг ҳар бир туман ва шаҳрида камида 3—4 та «Ветеран» кичик корхонаси ва фермер (деҳқон) ҳўжалиги очилади, — дейди бирлашма бошқарувининг раиси Н. Аҳмедов. — Бундан ташқари корхоналаримизда халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, даромадни ошириш чоралари кўрилмоқда. Хусусан, шу йилнинг биринчи чорагида 600 миллион сўмдан кўпроқ даромад олинди. Бу маблағ асосан уруш ва меҳнат фахрийларининг турмуш шароитини, кичик корхоналаримиз моддий-техника базасини яхшилашга сарфланади. Қурилиш ва таъмирлаш корхоналари, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш хўжаликлари уруш қатнашчилари ва мамлакат ичкарисида меҳнат қилган фахрийларга имтиёзли хизмат кўрсатади.

ДОЛЗАРБ МАВЗУДАГИ СЕМИНАР

Яқинда Тошкентда «Бухгалтерия ҳисоби ислоҳоти ва тафтишни ривожлантириш, солиқ тажрибаси ва унинг Ўзбекистон Республикасидаги иқтисодий фаолият ва сармояга таъсири» мавзусидаги семинар бўлди. Семинарни Молия вазирлиги, давлат солиқ комитети, Республика бухгалтерлари ва тафтишчилари уюшмаси, Тошкент молия институти, Тошкент давлат иқтисодиёт университети ва Самарқанд кооператив институти ташкил этган.

Семинар тингловчилари бозор иқтисодиётига шакллана ётган ҳозирги босқичда бухгалтерия ҳисоби ва тафтишга бўлган талаблар билан танишдилар, ўз соҳаларидаги ҳуқуқий ва меъёрий негизни ривожлантириш, солиқ тажрибаси, нарх белгилашдаги янгиликлар, хусусийлаштирилаётган иншоотлар қийматини белгилаш йўлларини, валюта операциялари бўйича ҳисоб-китоб қилиш тартибини ўргандилар.

АНДИЖОНДА ҲАМ КИМОШДИ САВДОСИ БЎЛДИ

Андижонда ўтказилган кўчмас мулкни сотиш бўйича дастлабки кимошди савдоси Фарғона водийси ишбилармонлари ҳаётида муҳим воқеа бўлди.

Савдо, хизмат кўрсатиш ва бошқа объектлардан ўн биттаси сотувга қўйилган эди. Уларнинг дастлабки нархи 995 миллион сўм қилиб белгиланганди. Кўчмас мулк сотиб бўлинганида олинган даромад 13 миллиард 170 миллион сўмдан иборат бўлди.

Июнь ойида яна шундай савдо уюштириш мўлжаллаймоқда. Унда Андижон вилоятининг шаҳар ва туманларидаги бир қанча муҳим иншоот сотувга қўйилади.

(ЎзА).

● ПРИЗЫВ-94

В РОДНУЮ АРМИЮ СЛУЖИТЬ

С ХОРОШИМ НАСТРОЕНИЕМ ГОТОВИТСЯ СТАТЬ В СТРОЙ ЗАЩИТНИКОВ РОДИНЫ ПРИЗЫВНАЯ МОЛОДЕЖЬ УЗБЕКИСТАНА.

Каков он, будущий защитник независимого Узбекистана? Чем живет? С каким настроением идет в родную армию служить? Как подготовился к этому важному событию в его жизни? На эти и другие вопросы отвечают за «круглым столом» «Ватанпарвара» те, кому предстоит в ближайшее время стать в армейский строй.

А. БОБОМУРАДОВ, выпускник ташкентской средней школы № 124:

— В прошлом году уволился в запас из Вооруженных Сил нашей республики мой старший брат Хаким. Он много рассказывал мне об армии, романтике воинской службы. А служил он в десантном подразделении. И я мечтаю занять его место в строю.

По рассказам брата я понял, что мне нужно уметь выдерживать большие физические и моральные нагрузки. И я в этому готовился на протяжении учебы в школе. Охотно занимался в различных спортивных секциях. Много дали мне занятия по допризывной подготовке. Преподаватель ДПО майор Назаров Андрей Васильевич часто напоминал нам, что армейская жизнь немыслима без уставов, беспрекословного подчинения командирам, крепкой воинской дисциплины. И поэтому я и мои школьные товарищи старались вырабатывать в себе эти качества, тщательно готовились к каждому занятию, добросовестно изучали военное дело.

Я хорошо понимаю, что наш народ доверяет нам сложное оружие и технику. И мы оправдаем это доверие: будем зорко стоять на страже рубежей нашей Отчизны, с честью выполним свой конституционный долг.

В. НОВОСЕЛЬЦЕВ, выпускник автошколы:

— С детства мечтал стать шофером, и вот моя мечта осуществилась. Я закончил курсы при Янгиюльской автомобильной школе Ташкентского областного ОСО «Ватанпарвар», получил права водителя. Перед службой в армии успел поработать в народном хозяйстве, приобрел необходимые практические навыки. Все это мне, конечно, пригодится, так как мечтаю попасть в подразделение автомобилистов. Тем более что работники районного отдела по делам обороны идут мне навстречу.

К службе в армии я готов и морально, и физически. Ведь в автошколе, кроме изучения основной специальности, мы занимались спортом, строевой подготовкой, изучали уставы.

Б. АТАХАНОВ, рабочий ташкентского завода «Компрессор»:

— В ходе призывной кампании нас, призывников, часто приглашали на встречи с ветеранами войны 1941 — 1945 годов. Одна из них произошла накануне празднования Дня Победы. С замиранием сердца слушали мы воспоминания очевидцев тех грозных событий. Убеленные сединой ветераны рассказывали нам о своих подвигах, о мужестве и героизме товарищей по оружию в годы минувшей войны. Многие из них не вернулись с поля брани, но они отдали свои жизни за наше счастливое будущее, спасли народы мира от фашистского порабощения.

Слушая ветеранов, я подумал тогда вот о чем. Нам, молодым, предстоит сейчас продолжать традиции старшего поколения — наших дедов, отцов и старших братьев. И это обязывает нас служить добросовестно, хорошо изучать военное дело, ратным трудом укреплять оборонное могущество независимого Узбекистана. И мы с честью выполним свой долг перед Родиной, народом. Так думаю не только я, но и все мои друзья, с которыми иду в этом году служить в Вооруженные Силы.

С. ХОЖИМАТОВ, учащийся Ташкентского колледжа связи:

— Мне предстоит служить в войсках связи. Избрав полюбившуюся мне гражданскую специальность, я тем самым выбрал себе и военную. Связисты всегда были в почете в армии, поэтому я иду служить с хорошим настроением.

Два моих старших брата уже отслужили. Они мне постоянно напоминали, что к армии нужно готовиться заранее, тогда и служба с первых дней пойдет легко. Поэтому я привык вставать рано, ежедневно делать утреннюю зарядку. Помогаю маме и сестрам в наведении порядка в доме, свои вещи стираю сам. Думаю, что жестко регламентированная армейская жизнь мне не будет в тягость.

Н. ЛАТИПОВ, выпускник ПТУ:

— Приятно слышать, что многие хотят стать десантниками или автомобилистами. А я мечтаю о службе в военных инженерно-строительных частях. Окончил профессионально-техническое училище со строительным уклоном. Приобрел полюбившуюся мне специальность монтажника. Был со своими друзьями на экскурсии в одной из строительных частей. Нам понравилось все: и условия, в которых живут военные строители, и здания, которые они сооружают своими руками. Так что я буду строить, своим трудом укреплять экономическую мощь родной республики.

Записал Б. САИДОВ.

ГУГУРТНИ ТЕЖАЙМАН ДЕБ, ҚУИИБ ҚОЛМАНГ!

Наманган вилояти аҳолиси қанча миқдордаги табиий газдан фойдаланади? «Наманганга» вилоят ишлаб чиқариш бирлашмаси мутахассислари шу масала билан қизиқишдилар. Бу саволга ҒФРда тайёрланган газ ўлчагич ёрдамида жавоб топилди. Натижа энг ёмон тахминлардан ҳам ошиб тушди. Маълум бўлишича, ҳар бир оилада меъёрдагидан 2,5 баравар кўп газ сарфланар экан! Бу — вилоят бўйича бир йилда режалаштирилганидан 110 миллион куб метр газ ортиқча ёқилади, деган гапдир.

Шундай экан, ўтган қишда аҳолига газ етказиб беришда узилиш бўлганига ажабланишнинг — ҳожати йўқ. Тўғри, узилишнинг яна бир сабаби бор: Янгиқўрғон — Фарғона — Наманган газ қувурида сув тўпланиб қолган эди. Ҳозир қувурнинг бир қанча жойлари таъмирланмоқда ва янгиланмоқда, янги тармоқлар ва иншоотлар қурилмоқда. Уларнинг ишга туширилиши олис қишлоқларни қўшимча ёқилғи билан таминлаш имконини беради.

Бу ишларнинг ҳаммаси самара бериши табиийдир. Бирлашма мутахассислари Вазирлар Маҳкамаси қарорини бажариш орқали табиий газдан фойдаланишда кўпроқ тежамкорликка эришишни мўлжаллашмоқда. Бу қарорга мувофиқ вилоятдаги 35 та саноат корхонаси келгуси қиш-қишки мавсумда ёнилгининг бошқа турларидан фойдаланишга ўтказилади, яна 160 корхона эса газдан ташқари, бошқа энергия манбаларидан ҳам фойдаланади. Бу тадбирлар аҳолини «Заҳгори олов» билан мунтазам таъминлаш имконини беради.

(ЎзА).

САМЫЙ МОЛОДОЙ ВЕТЕРАН

«Война — не детское занятие, но на фронт стремились попасть десятки тысяч подростков. И происходило это не только в тех районах, к которым доползали кровавые языки военного пламени. На фронт убегали мальчишки из далеких тыловых городов и сел. Не всем им удавалось добраться до передовых позиций, но те, кому улыбнулось великое счастье, становились настоящими солдатами». Это высказывание дважды Героя генерала армии Д. Д. Лелюшенко целиком и полностью можно отнести к нашему земляку, отважному сыну 94-й отдельной Узбекской стрелковой бригады Джумабаю Мирзаеву.

Боевое крещение он получил в этом соединении. С ним связана и первая награда — медаль «За отвагу». Джумабай сумел доставить в штаб батальона донесение и помог скрытно подойти к противнику с тыла. Окруженное подразделение вырвалось из кольца.

Ранение вывело Джумабая из строя. После госпиталя он попал в разведроту одной из частей 3-й гвардейской армии. Его данные всегда отличались точностью. Часто там, где нельзя пройти взрослому, в поиск шел маленький «оборвыш».

Домой вернулся закаленный, отмеченный знаками воинской доблести солдат, которому шел лишь пятнадцатый год от роду.

А когда подошло время призыва, он со своими сверстниками вновь надел военную форму. Скромный солдат Мирзаев отлично нес службу. О его фронтовой судьбе никто бы так и не узнал, если бы в часть не прибыли представители командования для вручения рядовому Джумабаю Мирзаеву не полученных вовремя наград.

Это событие и легло в основу документальной ленты «Дважды рядовой», снятой на киностудии «Узбекфильм».

Механизатор совхоза «Шарк юлдузи» Кувинского района — самый молодой в Ферганской области ветеран войны 1941—1945 годов.

А. КАСЫМОВ.

ИСТОРИЯ УЧИТ

Многие годы ведет фотолетопись послевоенной деятельности фронтовиков, запечатлевает на пленке сегодняшние будни воинов-узбекистанцев нештатный фотокорреспондент газеты «Ватанпарвар» самаркандец Ю. Бондюков. Недавно в фойе Центрального Дома офицеров и перед входом в Музей Вооруженных Сил Республики Узбекистан демонстрировалась тематическая выставка его фоторабот «История в лицах».

В боях по разгрому гитлеровцев участвовал старший брат Юрия Ивановича — погиб он в Пруссии. Не вернулся с фронта и отец братьев Бондюковых — погиб в начале войны 1941—1945 годов... Такая вот история семьи.

А сын Ю. И. Бондюкова — историк по образованию, военрук одной из самаркандских школ. Срочную службу проходил, шагая огненными дорогами Афганистана. Убежден он, как и его отец: «В характере узбекистанцев — жить в мире со всеми народами. Вместе с этим совершенно справедливо и то, что ратный труд вооруженных защитников Отечества заслуживает самого глубокого почитания. Ведь Вооруженные Силы нашей Отчизны — суверенного и демократического Узбекистана — имеют решающее значение в деле защиты территориальной целостности страны, мирного, созидательного труда узбекистанцев на пути укрепления независимости».

Организовать выставку работ фотомастера редакции газеты «Ватанпарвар» помогли самаркандцы Д. Маматкулов, Н. Товстановская и У. Улугмурадов.

М. АСКЕРОВ, корр. «Ватанпарвара».

● ЗАБОТА О БЫТЕ — ЗАБОТА О БОЕГОТОВНОСТИ

ОТ СТАРШИНЫ ЗАВИСИТ МНОГОЕ

Не первый год служит старшиной роты прапорщик Мурат Хамидов. Он успешно справляется с возложенными на него обязанностями. Подчиненные уважают своего старшину за чуткость, отзывчивость, внимательное отношение к их нуждам и запросам, постоянную заботу об улучшении бытовых условий. И не случайно эту роту в части справедливо считают образцовой.

Когда мы подошли к казарме, то появилось ощущение, что она гостеприимно приглашает зайти. Двери у входа привлекли внимание оригинальной восточной резьбой. Вокруг здания высажены деревья, кустарники, цветы.

Коридор перекликался резными узорами с входной дверью. Трудно было оторвать глаз от затейливого резного кружева. Дневальный рядовой А. Ташбаев подтянут, рапортует четко.

Во время его рапорта нас смутила одна непривычная деталь: докладывал-то он под разноголосый птичий щебет. За поворотом коридора, у стены — настоящий вольер. В клетках канарейки, попугайчики и другие экзотические птички.

Вот такая, значит, казарма! Оглядевшись по сторонам, невольно приходишь к выводу, что это слово в привычном для нас понятии никак не подходит к этому зданию. Правильнее бы назвать его домом солдатским.

— Прапорщик Мурат Хамидов, — говорит сопровождающий нас офицер Ю. Салиев, — мастер на все руки. Что сам не сможет — умельца найдет. Внешнее и внутреннее оформление помещения — его рук дело. Когда благоустраивались, он здесь сутками пропадал. А как работал! Одно загляденье. И ведь никто не принуждал его к этому. Просто человек поставил перед собой цель, чтобы его казарма была самой лучшей. И надо сказать, своего он добился.

Переход из коридора в спальное помещение идет через небольшое «озерцо». На бетонированном «берегу» — покрытые лаком булыжники: растут деревца лимона, цветы, на дне — камешки. Булькает вода. В ней рыбки плещутся. Прилегающая стена расписана под ивовую рощу.

В спальном помещении ровными рядами выстроились аккуратно заправленные кровати. На окнах — занавески, комнатные цветы.

А вот и комнаты бытового обслуживания. И к ней это скромное название едва ли подходит, так как напоминает она, скорее, салон красоты. Зеркала. Кресло для тех, кто пришел сюда подстричься. Шкафчики с погонами, пуговицами, нитками, иголками. Здесь же — уголок сапожника.

Дневальный рядовой А. Ташбаев провел нас в спорткомнату. Тут — штанга, гири, гантели. Есть где размяться ротным силачам! А их здесь немало.

В комнате общественно-политической информации тоже идеальный порядок. Стенды, посвященные Вооруженным Силам, истории самой Республики Узбекистан. Подшивки газет, журналов.

Да, пришлось старшине поработать! Приступив к исполнению своих обязанностей, прапорщик М. Хамидов энергичнее всех взялся тогда за ремонт. Своим отношением к делу увлек за собой солдат. В своем обращении к ним он особо подчеркнул, что, мол, здесь ваш дом, давайте сразу сделаем в нем все не просто добротно, но и красиво.

Намного уютней стало в казарме. Как в дом родной возвращаются сюда после напряженного учебного дня воины.

Не зря говорят, что забота о быте — забота о боеготовности. В правильности этого выражения невольно убеждаешься на примере увиденного. Не случайно личный состав этого подразделения успешно решает стоящие перед ним задачи, постоянно совершенствует свое мастерство и выучку. И немалая заслуга в этом старшины роты прапорщика М. Хамидова.

С. БУДАЕВ.

Изучаем узбекский язык

11-й УРОК — 11-ДАРС

Содержание урока: а) выражение направления действия: употребление аффикса -га (-ка, -қа); б) слова и выражения тематической группы «Кечирим сўраш» — «Извинение»; в) обозначение времени действия: глагольные формы типа: олмоқдаман, олмоқдасан, олмоқда; олмоқдамиз, олмоқдасиз, олмоқдалар.

Если к словам прибавить аффикс -га (-ка, -қа), то они указывают на направление предмета и отвечают на вопросы: кимга? — кому?, нимага? — чему?, қаерга? — куда?, қачонга? — на какое время?

Эти слова переводятся на русский язык с предлогами в, на, к.

Данный аффикс употребляется в следующих значениях:

а) указывает на направление: казармага (қаерга?) — в казарму (куда?); уйга — в дом; Тошкентга — в Ташкент и т. д.

Солдатлар казармага келдилар. — Солдаты пришли в казарму.

Улар уйга кирдилар. — Они вошли в дом.

Мен Тошкентга бораман. — Я еду в Ташкент.

Особенно часто употребляется аффикс -га при подаче команды:

Вперед! — Олдинга! Олга!
К бою! — Жангга!
Ко мне! — Олдимга, келинг!
Назад! — Орқага!
На плечо! — Елкага!
Направо! — Ўнгга!
Налево! — Чапга!
Прямо! — Тўғрига!
Стать в строй! — Сафга тур(инг)!

б) указывает на цель: журналга (нимага?) — за журналом (зачем?). — Мен журналга келдим. — Я пришел за журналом; сувга (нимага?) — за водой (зачем?); отишга (нимага?) — на стрельбу (зачем?); ўқишга (нимага?) — на учебу (зачем?) и т. д.

в) указывает на сходство: акамга (кимга?) — на брата (на кого?); менга (кимга?) — на меня (на кого?). У акамга (менга) ўхшайди. — Он похож на старшего брата (меня) и т. д.

г) указывает на цену: беш сўмга (қанчага?) — на пять рублей (на сколько?). Беш сўмга нима олдинг? — Что купил на пять рублей?

д) указывает на время: эртага (қачон?) — завтра (когда?), на завтра (на какое время?); янаги йилга (қачонга?) — на следующий год (на какое время?); на март месяц (на какое время?) — март ойига (қачонга?).

Дарс эртага бўлади. — Урок будет завтра.

Дарс эртага қолдирилди. — Урок перенесен на завтра.

Если слова оканчиваются на -к, то вместо -га пишется -ка: эшик — эшикка (к двери), парк — паркка (в парк) и т. д.

Если слова оканчиваются на қ, г, то пишется -қа: қишлоқ — қишлоққа (в деревню), тог — тоғқа (в горы) и т. д.

Задание: переведите следующие предложения на русский язык:

Сиз эртага қаерга борасиз? Мен эртага бозорга бораман. Опажон, менга пиёз беринг. Неча сўмга? Ўн сўмга. Ўн сўмга пиёз йўқ. Кечирасиз, ўн беш минг сўмга. Яхши, мана сизга бир килограмм пиёз. Бир кило бодринг ҳам олинг. Кечирасиз, бодрингга пул қолмади. Яхши, унда эртага келинг. Қаерга келаман? Шу ерга. Қачонга келай? Соат бешга. Хўп, раҳмат. Пиёзни қаерга солай? Мана бу сумкага. Мана, олинг. Сизга кўп раҳмат, опажон. Арзимайди. Сизга ҳам раҳмат. Хайр.

Слова и выражения тематической группы «Кечирим сўраш» — «Извинение»:

Извините (простите)! — Кечирасиз, кечиринг, узр!

Прошу прощения. — Кечирим сўрайман.

Извините, я сделал это не нарочно. — Кечирасиз, мен буни билмасдан қилибман.

Простите, я не хотел вас обидеть. — Кечирасиз, мен сизни хафа қилмоқчи эмасдим.

Простите, что я опоздал. — Кечикканим учун кечирасиз.

Разрешите побеспокоить вас. — Кечиринг, сизни безовта қиламан.

Простите, что я вас беспокою. — Безовта қилганим учун кечиринг.

Пожалуйста, ничего. — Бемалол, зарари йўқ.

Пожалуйста, это не важно. — Бемалол, аҳамияти йўқ.

Пожалуйста, не огорчайтесь. — Кечирасиз, жаҳлингиз чиқмасин (хафа бўлманг).

Ничего, не обращайте внимания. — Ҳеч қиси йўқ, эътибор берманг.

Извините, что я помешал. — Кечирасиз, халақит бердим.

Извините, я хотел узнать. — Кечирасиз, ...билмоқчи эдим.

Пожалуйста, не стоит благодарить. — Марҳамат, миннатдорликка арзимайди.

Пожалуйста, не за что. — Марҳамат, арзимайди.

На прошлых занятиях уже говорилось о том, что настояще-длительное время глагола выражает действие, которое происходит в момент речи, и оно образуется путем прибавления аффикса -яп к основе глагола: оляпман (беру), оляпсан (берешь), оляпти (берет). и т. д.

Второй способ осуществляется прибавлением к основе глагола аффикса -моқда:

Бирлик сон	Кўплик сон
Мен ол-моқда-ман (я беру)	Биз ол-моқда-миз (мы берем)
Сен ол-моқда-сан (ты берешь)	Сиз ол-моқда-сиз (вы берете)
У ол-моқда (он берет)	Улар ол-моқда-лар (они берут)

Мен ўзбек тилидан сабоқ олмоқдаман. — Я учусь узбекскому языку. Я беру уроки узбекского языка.

Мен газета орқали ўзбек тилидан сабоқ олмоқдаман. — Я беру уроки узбекского языка через газету.

Мен ўзбек тилидан «Ватанпарвар» газетаси орқали сабоқ олмоқдаман. Я беру уроки узбекского языка через газету «Ватанпарвар».

Сен «Ватанпарвар» газетасига обуна бўлдингми? — Ты подписался на газету «Ватанпарвар»?

Э. ГАНИБНАЗАРОВ.

● УЗБЕК УДУМЛАРИ

ТАВАЛЛУД. БЕШИК. АЛЛА.

Таваллуд топган боланинг қулоғига ота-боболаримиз биринчи навбатда мулла чақириб, азон айтирганлар. Исми илк бор чақалоқнинг ўз қулоғига сингдирилган. Сўнг унинг чилласи — кичик чилла ва катта чилла ўтказилади. Кичик чилла — йигирма кунгача, боланинг онаси, энагаси, момосидан (доя) бўлак ёнига, чиллалик бўлганлиги учун ҳеч ким киритилмайди. Катта чилласи — қирқ кун ўтганидан кейин болани бешикка белаш маросими бўлиб ўтади.

Чилланинг маъноси шуки, белгиланган муайян муддат давомида (кичиги 20 кун, каттаси 40 кун) хонадонга бегона одам киритилмайди. Намозшомдан кейин ҳеч ким кўчага чиқмайди, бемаҳалда кўчадан ҳовлига бирор кирмайди. Чиллали жой десангиз, зарурманд, шошилинч меҳмон ҳам мусулмон бўлса тушунади, эртаси — кун ёруғида хонадонга ташриф буюради. Янги дунёга келган болани ёмон кўздан, инс-жинсдан асраш, уни гигиеник ҳимоя қилиш учун шундай қилинади. Чилла кунлари она ва бола яхши парвариш қилинади. Улар оқ ювиб, оқ тараб, озода сақланадилар.

Бобокалонимиз Абу Али ибн Сино ҳазратлари гўдак бола чилласи, унинг энагаси, парвариши тўғрисида минг йил бурун бугун ҳам ибрат бўладиган рисолалар ёзиб кетганлар.

Таваллуд топган бош фарзанд бўлса, бозордан бориб бешик сотиб олинади. Иккинчи ё навбатдаги фарзанд бўладиган бўлса, опа-акасининг бешигига беланади. Бешик — бола оёққа тургунча ётадиган, яшайдиган жойи, бошпана уйидир. Кўп вақтлар зарарли аталиб келинган бешик аждодларимиз кашфиётлари орасида алоҳида ўрин тутади.

Бешик мевали дарахтларнинг таналаридан ясалган бўлиб, ости тўрт оёқли, текис терилган тахта ётқич, тувак учун махсус тутқич тешикдан иборат. Икки ёнбош ва оёқ томонларининг устки қисми ёй бўлиб, тутқич тебратгичга, қунгирага уланган. Икки ёйни эса йўғон, ўймакор ўзак ёғоч боғлаб туради.

Бешиклар кейинги пайтларда асосан тут ва тол дарахтларидан ясалмоқда. Бешикнинг пастки қисми ағдарилиб, қаттиқ чайқалиб кетмаслиги учун вазмиироқ бўлган тут дарахтидан устки ёй ва йўғон ўзаклар, тутқич-қунгиралар тепа тебратишда осон ва енгил чайқалиши учун тол новдаларидан ясалади. Унга гул бериш, ўймакорлик ишлари Туркистон, Тошкент, Фарғона водийси, Самарқанд вилоятларида ўзига хос санъат даражасига кўтарилган.

Мустаҳкам, қулай, яхши, хосиятли битта бешик учтўрт авлодни тарбиялаб, вояга етказиши мумкин. Ўзбеклар, тожикларда бобоси, отаси ётган бешикда тарбия топган болалар бор. Еш оналар ихлос қўйиб, мана шундай хосиятли, қадимий, кўҳна бешикларда ўз болаларини бокишни афзал кўрадилар. Ўзбеклар шунинг учун бешикни муқаддас билиб, уни ҳеч қачон ёш чақалоғи бўлмаса ҳам ташлаб юбормайди. Ҳамиша ўзи, оиласи билан бирга олиб юради.

Бешик устига ёзда енгил сурп, қишда духоба ёпқичлар қийдирилади. Фарзандининг ўғил-қизлигига қараб, сумаклар алмаштирилади, холос. Бешикка белашнинг йўл-йўриғини аввало, қайвони аёллар, бувилардан бири бир-икки кўрсатишади. Боланинг баданига қуйруқ ёғи суртилади. Бешик остига тўшаладиган кўрпача — қовузга қовузлоқ, яъни тариқнинг қипиғи солинади. Шундай қилинса, боланинг эти тўшакка ёпишмайди, ҳаракатда бўлади. Боланинг қўл-оёқларини бешикка текис боғланади.

Боланинг ёстиғи остига нон ёки пичоқ қўйилади. Тебратишга қулай бўлсин учун эса тўрт оёқнинг бош ва оёқ томондаги жуфтлари орасига андак ёйсимон тахта қоқилади. Бу — бешикнинг тақилламай, болага заҳа бермай тебранишига ёрдам беради. Ушбу ҳолатда бошқа иш билан машғул она боласи бешигини узун ип воситасида узоқроқдан, иш қилиб турган жойидан ҳам тебратиши мумкин.

Бешикнинг дала, ёзги шакли беланчак ҳам борки, буни қишлоқ аҳли жуда яхши билади. Беланчак айвонда икки устун, боғда икки дарахтга боғланадиган икки арқоннинг ўртасида қалинроқ матодан болага жой қилиниб, бош ва оёқ томонига икки арқонни айириб турувчи ўқлоги-чўплар қўйилади. Беланчак ўрни болага мос катталикда ясалиб, беланган боланинг бели беланчак билан қўшиб бойланиб, сўнг тебратилиб-учирилади. Беланчак бешикнинг барча вазифаларини бажара олмайди, албатта. Бироқ бир-икки ойлик кўчма ўрнини босиши билан аёллар жонига оро киради.

Бола бор жойда алла айтилиши табиий. Оналар қадимдан ўз болалари бешиги тепасида алла айтиб келишган. Аллаларда халқ турмушнинг жуда кўп қирралари ўз инъикосини топган. Алла ўз оҳанги билан болага она нафасини етказиб туради. Гўдакни хотиржам қилади, элитали, ором олиб ухлашига имкон беради.

Аллаларга оналар ўз ҳиссиётларини, орзу-армонлари, истак-ниятлари, дард-ҳасратларини ҳам қўшиб айтганлар. Алла ахлоқий-тарбиявий, дидактик, анъанавий ва оний ижод намуналаридан иборат бўлган. Алла тинглаган бола она меҳрини сут билан ўз танига, шуурига сингдиради. Алла инсонда онг қатламларида бир умр мунгли, ҳазин, нурли қўшиқ бўлиб сақланиб қолади.

Ўзбек онаси алла айтаркан, бу аллалар бир-бирига сира ўхшамайди. Ҳатто бир онанинг бугун айтган алласи кечагисига ўхшамаслиги мумкин. Айни пайтда, аллаларда ҳамма она ва болага хос бўлган умумийлик ҳам бор. Бу меҳр, бу — муҳаббат!

Маҳмуд САТТОРОВ.

● НАШЕ СВОБОДНОЕ ВРЕМЯ

ЗОВУТ СПОРТИВНЫЕ ПЛОЩАДКИ

В подразделении, где членом спортивного комитета офицер А. Баркин, спортом занимаются все. В свободное от службы время не пустуют спортивные площадки. Воины играют в футбол, волейбол. В почете у солдат гиревой спорт, легкая атлетика, теннис.

Особенно насыщенными здесь бывают выходные дни. Сегодня мы расскажем о том, чем занимались воины подразделения в минувшее воскресенье.

БОРЬБА БЫЛА ОСТРОЙ

Утро началось с проведения традиционных легкоатлетических соревнований. Уже предварительные забеги показали, что борьба предстоит острая. Многие воины показали хорошие результаты в забеге на 100 метров.

И вот в назначенное время был объявлен официальный старт. А через несколько минут болельщики стали свидетелями сенсации. Со значительным отрывом от соперников финишировал рядовой А. Вилисов. А когда стал известен результат победителя, судья объявил, что установлен новый рекорд части в беге на 100 метров.

Забегая вперед, скажем, что рядовой А. Вилисов в этот день отличался неоднократно. Он был первым в забегах на 200 и 1000 метров.

В большинстве видов программы первенствовали подчиненные старшего лейтенанта Р. Касымова. На подведении итогов его команда заняла первое место.

ПОЕДИНОК ДАВНИХ СОПЕРНИКОВ

Вот это был матч! Возможно, при его разборе волейболистам будет указано на массу допущенных в этой игре ошибок и непозволительных потерь, но зрителям и болельщикам поединок давних соперников доставил истинное удовольствие.

На волейбольной площадке встречались команды, капитанами которых младший сержант Н. Карабаев и рядовой Ю. Исаханов. В начале игры на удивление легко карабаевцы ушли вперед. Но команда Исаханова не сломлена. Проходит совсем немного времени — и счет уже в их пользу. Продолжительное время игра шла с переменным успехом. И все-таки, как и следовало ожидать, победила команда, возглавляемая рядовым Ю. Исахановым.

Приятно отметить, что в этом трудном поединке уверенно действовали не только опытные волейболисты команды рядовые Н. Шафенков, О. Касымов, Н. Шержанов, но и начинающие — рядовые В. Алимов и С. Масалиев.

СОРЕВНОВАНИЯ ТЕННИСИСТОВ

Состоялось в этот день первенство части по настольному теннису. Этим видом спорта здесь увлекаются многие воины. И не случайно в соревнованиях приняли участие представители всех подразделений. Победителями стали рядовые Н. Арифов и А. Шелестов.

Подводя итоги спортивных соревнований, нужно сказать, что они прошли хорошо. Воины продемонстрировали возросшее мастерство, набрались новых сил на предстоящую неделю. А победителям по традиции были вручены призы.

С. АБРОРОВ.



Тошкент — гўзал шаҳарсан, Тинчликка сен посбонсан.

В. ЛЕШЧЕНКО. сурат-лавҳаси.

● О ТЕХ, КТО РЯДОМ

НЕРАЗЛУЧНЫЕ ДРУЗЬЯ

В подразделении, которым командует офицер А. Даллятов, служат воины различных национальностей. Все они живут одной дружной семьей. Вместе решают сложные учебно-боевые задачи, вместе делятся радостями и невзгодами, вместе проводят свое свободное время.

Да, все воины подразделения живут дружной семьей. Но есть здесь три неразлучных друга, которые оказывают хорошее влияние на весь коллектив. Это рядовые А. Азизов, О. Цветков и Н. Хасанов. Они являются застрельщиками всех добрых дел и начинаний, которые происходят в подразделении.

По их инициативе, одобренной командиром, был проведен субботник. Солдаты произвели капитальный ремонт казармы, отремонтировали мебель. Преобразились комнаты бытового обслуживания и общественно-политической информации. А у входа в помещение рота посадили розы, которые сейчас расцвели, напоминая каждому о родном доме.

В свободное от службы время многолюдно бывает в беседке, расположенной рядом с казармой. Здесь вечерами устраиваются импровизированные концерты. Рядовые А. Азизов, О. Цветков, Н. Хасанов не только поют, но и играют на различных музыкальных инструментах. Послушать их приходят воины даже из соседних подразделений. Часто полюбившуюся мелодию подхватывают все слушатели.

Заметим, кстати, что рядовые А. Азизов, О. Цветков и Н. Хасанов являются активными участниками художественной самодеятельности. По их рекомендации в кружках занимаются и многие их сослуживцы, которые обнаружили в себе таланты певцов, чтецов, танцоров, музыкантов.

Запомнился воинам подразделения и вечер отдыха, который был проведен недавно по инициативе друзей. Нашлись у них и добровольные помощники. Вместе составили программу, вместе и подготовкой занимались.

А вечер, надо сказать, удался на славу. Сначала чествовали лучших воинов. Не было недостатка в цветах, улыбках и подарках. Потом проходили игры, была организована лотерея. Состоялся концерт художественной самодеятельности. На протяжении двух часов звучала музыка. Хорошо отдохнули тогда воины.

Рядовые А. Азизов, О. Цветков и Н. Хасанов — передовые воины. Они являются надежными помощниками командира и его заместителя по работе с личным составом. Подхватывают любую идею, выдвинутую старшими товарищами, и претворяют ее в жизнь. Не без их участия прошел тематический вечер, посвященный верности традициям старшего поколения. Это они вкладывают немало сил и энергии в организацию и проведение спортивных мероприятий, так как сами являются хорошими спортсменами.

Рассказ о наших героях будет неполным, если не сказать вот о чем. Рядовой А. Азизов, кроме всего прочего, является еще и редактором стенной газеты. Рядовой О. Цветков для солдатской радиогазеты готовит программу концертов по заявкам воинов. А рядовой Н. Хасанов является капитаном футбольной команды.

Б. САИДОВ.

Бир дунё жозиба

Ҳар бир санъаткорнинг ўз жозиба олами бўлади ва у борлиқни ана шу олам ранглари билан кузатади. Санъаткор нигоҳидан нимани ўтган бўлса, барчаси кишида гўзаллик ҳиссини уйғотади. Рассом Исфандиёр Ҳайдаровнинг Республика байналмилал маданият марказида очилган кўргазмасини томоша қилиб, шундай фикрлар хаёлдан кечади.

Мусаввир асарлари, аввало, миллий колоритга бойлиги билан диққатни тортади. Унинг расмларида табиат манзаралари, одамлар, бинолар — барчаси ўзаро уйғунлашиб, муштарак бир манзара касб этади. «Куз. Гурунг» асарида тоғ қишлоғидаги ҳовли тасвирланган. Аёл ҳовли четидаги ўчоққа ўт қалаяпти. Ўчоқ бошида тандир. Пахсадевор уй. Шохлари тарвақайлаб кетган ўрик. Унинг остида эса чойроққина сўри. Сўри устида уч-тўртта аёл гурунглашиб ўтирибди. Бу чизгилар бир-бирига нақадар мос ва уйғун. Дафъатан улар бир-бири учунгина яратилганини ва ўзбекона қишлоқ ҳаёти айнан шу чизгилар мужассамидан иборат эканини ҳис этасиз.

Табиат манзараларини жамият, инсонлар ҳаётига уйғунлаштириш, уларни ягона лавҳа ҳолида ранглаштириш — Исфандиёр Ҳайдаров бадиий услубига хос хусусият. Унинг асарларида инсон мудом табиат билан баҳамти, ҳамнафас яшайди. Шу боис, асарлари ҳам аксарият йил фасллари билан номланади: «Тоғда баҳор», «Тоғли қишлоқда куз», «Хумсон. Жазирама кунлар», «Куз», «Баҳор қуёши», «Баҳор»...

Рассом асарларида тун, сокинлик, хилват гўшалар тасвирига эътибор кучли. Бу ҳам, бизнингча, инсоннинг энг жозиб туйғуларига ҳамоҳанг, уйғун манзаралар топиш иштиёқидан бўлса керак. «Сурхондарё оқшоми», «Ёмғирдан сўнг», «Бахмал кечаси», «Тунги сокинлик», «Сокинлик. Ойдин тун» каби асарларда муайян бир манзара асосида инсон ва табиатнинг, ер ва кўкнинг, умуман, бутун борлиқнинг муштарак бир туста кираётгани тасвирланган.

Мусаввир асарларида ўзбекона турмуш тарзи, асосан, ҳовли ва унинг манзалари воситасида ифодаланади. Ижодкор тасаввурида, ҳовли — олам тимсоли — мўъжаз олам.

Хуллас, рассом Исфандиёр Ҳайдаров асарларининг янги кўргазмаси фалсафий теранлиги, соф миллий руҳи ва услуб жилолари билан эътиборни тортади.

ҚОРАҚАЛПОҚ БОЛАЛАРИ — ТОШКЕНТДА

Нукус ва бўзатовлик 210 нафар бола «Чимён» сиҳатгоҳига жўнаб кетди. Экологик офат ҳудудидаги мактаб ўқувчиларини ёғаи мавсумда соғломлаштириш учун пухта ҳозирлик кўрилди, — дейди «Орол болаларига» хайрия жамғармаси директори М. Қалмантаев. — Бу йил ҳам қорақалпоғистонлик беш минг нафар бола Тошкент вилоятининг хушманзара масканларида ҳордиқ чиқаради. Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси касаба уюшмалари тасарруфидаги 28 та дам олиш масканида 15 минг болани соғломлаштириш режалаштирилди.

«ОНАИЗОР» — САҲНАДА

Қашқадарё вилоят мусиқали драма театри ижодий жамоаси ёзувчи Машраб Бобоевнинг «Онаизор» асарини саҳнага қўйди. Унда бир оила тақдири, она ва ўғил муносабати хусусида ҳикоя қилинади.

Асосий ролларни Р. Мустафоева, Н. Раҳимов, З. Соҳибова, Х. Амирулов сингари иқтидорли санъаткорлар ижро этмоқда. Асарни Ж. Тошев саҳналаштирди.

(ЎзА).

И. о. редактора
И. К. АБДУКАРИМОВ.

АДРЕС РЕДАКЦИИ: 700031 ТАШКЕНТ, САЙРНАЯ, 21

Зам. редактора — 56-17-96; отв. секретарь — 56-04-60. Отделы: воинской службы и воспитательной работы — 69-35-55; по связям с государственными и общественными организациями — 56-02-49, массовой работы и спорта — 56-08-72; культуры и организации досуга — 56-03-48; социологии и рекламы — 56-54-76; подписки — 56-03-46, заказов — 56-18-44. Начальник издательства — 56-04-90; дежурный — 56-09-81; бухгалтерия — 56-03-82.

Письма, рукописи, фотографии и рисунки не рецензируются и не возвращаются. За достоверность фактов ответственность несет автор. Позиция редакции может не совпадать с точкой зрения авторов публикуемых материалов.

Газета зарегистрирована в Государственном комитете Республики Узбекистан по печати. Рег. № 50.

Типография газеты «Ватанпарвар».

Заказ № 0214.